БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 27 (2318), | 8 февраль, жума, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ҳ. Турсунқуловнинг «Сельская жизнь» газетасининг 3 февраль сонида босилган пахта теримини янада кенгроқ механизациялаш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни кўтариб чиққан «Пахтани машиналарда теришга нималар тўсқинлик қилаётир» сарлавҳали мақоласини муҳокама қилди.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу мақолани барча республика ва область газеталарида эълон қилишни таклиф этди. Область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларига, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларига мақолани ҳамма колхоз ва совхозларда, ишлаб чиқариш бошқармаларида, «Узсельхозтехника» бўлимларида муҳокама қилишни ташкил этиш, ҳар бир хўжаликда далаларни ўз вақтида тайёрлаш, пахтани машинада теришни кенг жорий этиш ҳамда барча пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш, механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳосилни машинада териб олишни муваффақиятли ўтказиш учун социалистик мусобақани авж олдириш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.**

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига ва «Узсельхозтехника» республика бирлашмасига ўртоқ Ҳ. Турсунқулов мақоласида илгари сурилган масалалар юзасидан таклифларини 10 кун ичида Ўзбекистон КП Марказий Комитетига тақдим қилиш топширилди.**

*(Ўртоқ Ҳ. Турсунқуловнинг мақоласи газетамизнинг 6 февраль сонида босилган).*

## ТЕХНИКАНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАНГ!

**Деҳқон, асло унутма! Сен техника ёрдамида ернинг бағрини тилиб, кўнглингга ёққанича аъло шудгор қиласан, кўкда офтоб чарақлаб, ҳароратин тўкканда яна ўша техника дўст, ҳамкоринг бўлади, мададкоринг бўлади. Сеялкага ўтириб эзгу ниятинг билан, орзу-ҳавасинг билан мўл ҳосил уруғини ҳам сифатли, ҳам жадал далаларга қадайсан. Чигит униб чиқдими, ҳосилнинг етилгунча қудратли универсаллар жонга оро киради, эгатларни юмшатиб ҳар туп ғўза томирин яйратиб-ўстирасан. Пахталар чаман бўлиб чаноқлардан тошганда «зангори кема»ларинг яна сенга қўл келар, демак хирмонларингга «оқ олтин» толалари кундан-кунга мўл келар.**

**«ЎзССР беш йиллиги» совхози ишчилари, моҳир механизаторлари буни яхши пайқайди. Шунинг учун ҳам доим техникани авайлаб, энг яқин дўстимсан, деб кўзининг қорасидай гард юқтирмай асрайди. Кенг, ёруғ устахона доим ишлаб туради. Трактор, универсаллар, культиватор, сеялка, «зангори кема»лар ҳам очиқ ҳавода эмас, гаражларда саф тортиб, ҳамиша шай туради.**

**Мана яхши бир мисол. Шу совхоз кишилари ўтган йили қишу-ёз техникага суяниб, ҳалол меҳнат қилишди. Шудгордан экишгача, ғўза парваришидан, то йиғим-теримгача қудратли механизация азамат деҳқонларнинг оғирин енгил қилди. Йиғим-терим даврида 117 «зангори кема» пахтазорларда жавлон урди. Шу кемалар билан 7519 тонна пахта бункерлардан хирмонларга тўкилди.**

**Сирдарёдаги «Ленинград» колхозида ҳам машинанинг қадри-қиммати йилдан-йилга ортиб бормоқда. Колхоз азаматлари пахтачиликда механизацияни қўлланиб, илгари донг таратган «Малик» совхозини қувиб ўтишди. Бу колхозда ҳам умумий ҳосилнинг 62 проценти шу «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олинди.**

**Бугун «ЎзССР беш йиллиги» совхози ва «Ленинград» колхози устахоналарида бўлсангиз, ремонтдан чиқарилиб мавсумга тахт қилиб қўйилган чопиқ тракторларини, турли схемаларга мослаштирилган сеялкаларни, культиваторларни кўриб хурсанд бўласиз.**

**Областимизнинг бир қатор хўжаликларида эса бунинг тамомила аксини кўрасиз.**

**«Пискент» совхозининг далаларини айланинг, «устахона»сида бўлинг. Лойга ботиб, занг босиб эгасиз қолдирилган машиналарни кўриб юракдан ачинасиз. Ўртоқ Шайхов бўлим бошлиғи, ўртоқ Бойматов колонна механиги бўлган бўлимда квадрат-уялаб чигит экадиган иккита сеялка далада қолиб кетган. Энди унинг ишчи органлари бутунлайин яроқсиз, иккита культиватор комплекти, икки универсал очиқ ҳавода — аҳоли яшайдиган уйлар ёнида қолдирилиб кетилган.**

**Мана яна бир мисол. Ўртоқ Холмуродов раислик қилаётган Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Калинин номли колхозда «УПК-1,5» кўрак чувиш машинаси, пахта териш машиналари қор-ёмғир остида қолиб бутунлай ишдан чиққан. Шу техникаларнинг тасмалари, занжирлари, электр асбоблари йиғиштириб олинмаган. Ўтган йили бу колхоз «ПП-1,3» ва «ПО-0,6» маркали иккита янги машина сотиб олган эди. Оқибат нима бўлди. Ҳали бу машиналардан фойдаланилмай туриб, раиснинг буйруғи билан унинг баллонлари ГАЗ — 69 енгил машинасига ўрнатилди. Ана хўжалик раҳбарларининг деҳқоннинг чинакам дўсти бўлган техникага муносабати.**

**«Пискент» совхозида ҳам, Калинин номли колхозда ҳам ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилмай қолганлиги сабабларидан бири ана шундадир. Техникадан яхши фойдаланмай, унинг қадрига етмай ғўза парваришини сифатсиз олиб борганлигидадир. Хўш, бу совхоз ва колхозда кўклам экиш кампаниясига қандай тайёргарлик кўриляпти? Техника ремонтига етарли эътибор беріляптими? Ўз-ўзидан маълумки, қишлоқ хўжалиги машиналари ҳар қаерда сочилиб ётганидан кейин, эгасиз қолдирилганидан кейин кўкламга тайёргарлик ва ремонт ишлари талабга жавоб бера олармиди? Мутлақо йўқ.**

**СССР Олий Совети Президиуми 1961 йил 9 декабрда «Қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишда ёки уни сақлашда эътиборсизлик ва жиноий иш қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида» махсус фармон чиқарган.**

**Колхоз ва совхоз раҳбарлари ана шу фармонни яна бир марта эслаб қўйсалар фойдали бўлади. Чунки техника бизнинг дўстимиз. Деҳқончилигимизнинг, чорвачилигимизнинг асоси, мўл ва арзон ҳосил етиштиришимизнинг гарови, оғир ишларимизни енгил қиладиган қудратли куч эканлигини унутманг!**

**Техникамизнинг ҳар бир деталини, ҳар бир винтини кўз қорачиғидай сақлайлик, қадрлайлик. Техникани очиқ ҳавода қолдириш бу жиноят.**

**Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, бу йил олдимизда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштиришдек жанговар вазифа турибди.**

**Келинг, Усть-лабинскликларнинг олижаноб ташаббусига қўшилиб, ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, қудратли техникага суянган ҳолда қишлоқ хўжалигининг равнақи учун астойдил курашайлик!**

## ТАСС ЛЕНТАЛАРИДА

ЛОНДОН, 5 февраль. (ТАСС). Лейбористлар оппозициясининг раҳбарларидан бири Дуглас Жей умум палатасида сўзга чиқиб, Англияда ишсизлар жуда кўпайиб кетганлиги консерваторлар ҳукуматига қарши энг катта айбномадир, деди. У, лейбористлар номидан ҳукуматга ишончсизлик билдирувчи резолюцияни парламент муҳокамасига тақдим этди.

Англияда юз минглаб кишилар, дейди Жей, иш тополмай сарсон бўлиб юрган бир пайтда ҳукумат касалхона, мактаб ва уй-жой бинолари қуриш, шунингдек саноатни ривожлантириш программасини амалга оширишни атайин орқага сурмоқда. Жей палата мажлисида: бу — жиннихона экономикасидир, деди.

ЖЕНЕВА, 6 февраль. (ТАСС махсус мухбири). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг илмий ва техника билимларидан камроқ тараққий этган районларнинг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш проблемаларига бағишланиб бу ерда ўтказилаётган конференциясида кеча кун тартибидаги 12 асосий проблемадан иккитаси: «Қишлоқ хўжалиги» ва «Табиий ресурслар» проблемалари муҳокама қилина бошлади.

НЬЮ-ИОРК, 6 февраль. (ТАСС). «Вашингтон пост» газетаси Англиянинг таниқли философи Бертран Расселдан олинган мактубни эълон қилди. Бу мактубда тинчлик учун курашаётган ташкилотларнинг АҚШ да таъқиб қилинаётганлиги қаттиқ қораланади.

НЬЮ-ИОРК, 6 февраль. (ТАСС). Канада парламентининг умум палатаси бугун кечаси Дифенбейкер ҳукуматига ишончсизлик билдирди.

МОШИ, 6 февраль. (ТАСС). Кеча Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги III конференциясининг кечки мажлисида совет делегациясининг бошлиғи Мирзо Турсунзода сўзга чиқди.

—Ер юзида 50 миллион киши ҳали ҳам мустамлакачилик зулмидан жафо чекмоқда,—деб таъкидлади совет делегациясининг бошлиғи,—уларга ана шу зулмдан халос бўлишда ёрдам бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

БОКУ, 6 февраль. (ТАСС мухбири). Озарбайжон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг музейида пахтанинг 4 мингга яқин ҳар хил навлари ва сортлари бор. Бу ерда жаҳоннинг ҳамма пахтакор мамлакатларидан келтирилган пахта навълари қўйилган. Ҳозир Ҳиндистон, Хитой, Бразилия, Туркия, Мексика ва бошқа мамлакатлардан келтирилган ғўза туплари кўкариб турибди. Баъзилари гуллаган, бошқаларида оппоқ пахта очилиб турибди, баъзилари эндигина шоналамоқда.

## СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИГА БАЁНОТИ

СССРнинг Токиодаги элчиси В. М. Виноградов 6 февралда Япония ташқи ишлар министри М. Охира ҳузурига бориб, Совет ҳукуматининг топширувига биноан, унга қуйидаги баёнотни берди:

«Маълум бўлишича, Япония ҳукумати Америка атом сув ости кемаларининг Япония портларига кириб туриши учун рухсат берган. Шундай қилиб, гап Япония билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликни янада кенгайтиришга, шу билан бирга, энг вайронагарчилик келтирувчи стратегик қуролни Япония ороллари районида ва бевосита шу ороллар территориясида тўплаш йўлида янада кенгайтиришга олиб борувчи чоралар устида бормоқда.

Америка сув ости кемаларининг Япония портларига келиб туришини оқлашга уриниб, гўё бунга ана шу кемаларнинг ходимларига дам олиш имкониятини бериш зарурати сабаб бўлмоқда, деган сунъий важларни кўрсатаётганликлари билан аҳвол асլича қола беради. Бундай важларга, ҳатто энг соддадил ва сиёсатдан узоқ бўлган кишиларнинг ишонишлари ҳам амри маҳолдир. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, бошқа мамлакатларнинг ҳаво бўшлиғига иғвогарлик билан бостириб кириш учун фойдаланилган «У-2» самолётлари Американинг чет эллардаги, шу жумладан Япониядаги базаларига бу самолётлар метеорология хизматини ўтайди, деган соддагина баҳона билан жойлаштирилган эди.

Афтидан, дастлабки кезларда Япония портларига ракеталарсиз кириб тура оладиган сув ости кемалари ҳозир Америка ядро қуроли учун Японияга йўл очиб беришга даъват этилган бўлса керак.

Япония расмий органларининг, Америка сув ости кемалари Окинава ва Тайвань портларига кириб турибди-ку, деган гаплари айни шу нарсадан далолат бермоқдаки, Япония портларини Америка қуролли кучларининг улар оккупация қилиб турган Окинава сингари ва Хитой Халқ Республикасининг территорияси — Тайвань сингари таянч пунктларига айлантириш йўли тутилмоқда.

Чет эл қўшинларининг Япония территориясига жойлаштирилишига, чет эл атом флотининг Япония портларига кириб туриши учун рухсат берилишига — ана шу флот доимий равишда ёки ондасонда жойлаштирилаётганлигидан қатъий назар — бунга мазкур мамлакатнинг ички иши деб қараб бўлмайди, чунки бу нарса Япония қўшниларининг хавфсизлиги манфаатларига, Узоқ Шарқда тинчлик манфаатларига дахлдордир. Бундай қадамлар Совет Иттифоқи Узоқ Шарқда ўз мудофаа тадбирларини амалга ошираётган вақтда ўз чегараларининг бевосита яқинида олиб борилаётган ана шу ҳарбий тайёргарликларнинг ҳаммасини эътиборга олишни унинг учун зарурат қилиб қўяди.

Совет ҳукумати воқеаларнинг бу хилда ривожланиб боришига йўл қўймасликни истар эди. Кариб денгизидаги танглик бартараф қилинганидан кейинги ҳозирги пайтда ҳар бир ҳукуматнинг халқаро вазиятга кескинлик солувчи ҳар хил ишлардан ўзини тийиб туриши айниқса муҳимдир. Халқлар ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматларидан халқаро вазиятни соғломлаштиришга, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга, уруш хавфини тугатишга ёрдам бера оладиган куч-ғайратлар сарфлашни кутмоқдалар.

СССР ҳукумати умид билдирадики, Япония ҳукумати юқорида баён қилинган мулоҳазаларга тегишинча тушуниб қарайди, ўз территориясининг учинчи бир мамлакатлар томонидан ҳарбий стратегик мақсадларда фойдаланилиши Япония учун қандай оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олади ҳамда Узоқ Шарқдаги аҳволни кескинлаштирадиган бирон тадбирнинг кўрилишига йўл қўймайди.

## ОМСК-БАРНАУЛ ТЕМИР ЙЎЛИ ИШГА ТУШДИ

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ТАБРИГИ

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Омск-Барнаул темир йўли қурилишининг ҳамма қатнашчиларини ана шу магистрал қурилиши муваффақиятли суратда тугалланганлиги ва магистралнинг ишга туширилиши билан қизғин табриклайдилар.**

**Янги Омск-Барнаул темир йўлининг ишга туширилиши, — дейилади табрикномада, — транспорт қурувчиларининг мамлакатимизда транспортни жадал суръатлар билан ривожлантириш юзасидан КПСС XXII съезди қўйган вазифаларни амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссасидир.**

* * *

**Омск-Барнаул темир йўл магистралининг узунлиги 800 километрдан ортиқ. Бу магистрал Олтой ўлкаси, Омск, Павлодар ва Новосибирск областларидаги бепоён қўриқ ва бўз ерлар районлари билан транспорт алоқасини анча яхшилаш имконини беради, ана шу районларнинг экономикаси ва маданиятини тез ривожлантиришга ёрдам беради. Бу янги йўл Транссибир магистралининг юк ташиш билан ғоят банд бўлган Новосибирск-Омск участкасини четлаб ўтиб, Кузбасс ва Олтой ўлкасидан Урал районларига ва мамлакат Европа қисмининг марказига қўшимча равишда кўмир, металл, ғалла ва бошқа юкларни ташишни таъминлайди.**

**Янги магистрал бошдан-охиригача автомат ва ярим автомат блокировка, замонавий алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, бу оғир юкли поездларнинг ғоят тез қатнаб туришига имконият туғдиради.**

**Бу магистрал энг янги машина ва механизмлардан фойдаланиб, илғор индустриал методлар билан қурилди. (ТАСС).**

ТАСС АХБОРОТИ

## «МАРС-1» ПАРВОЗДА

*31 январдан 5 февралга қадар бўлган даврда «Марс-1» автоматик станцияси билан навбатдаги радио алоқа сеанслари ўтказилди. Станциядан телеметрик каналлар орқали илмий ахборот, шунингдек станция системалари ва агрегатларининг иши тўғрисида маълумотлар олинди.*

*«Марс-1» станциясининг астрономик координатлари 6 февраль эрталаб соат 9 да қуйидагича бўлади: тик кўтарилиши — 6 соат 35 минут, оғиши — 32 градус 52 минут. Шу вақтда станция Ердан 52.018 минг километр масофада бўлади. «Марс—1» станциясининг ўрни осмон гардишида аста-секин ўзгариб, бу станция Ташувчи юлдузлар туркумидан Эгизак юлдузлар туркумига ўтиши керак.*

## ПАХТАЧИЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

ДУШАНБА, 7 февраль. (ТАСС **мухбири**). Бугун Тожикистон пойтахти Душанбада пахтачилик масалаларига бағишланган республика кенгаши очилди. Кенгашда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармаларининг раҳбарлари ва мутахассислари, партия, совет, комсомол ходимлари қатнашмоқдалар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Р. Қурбонов ва Туркманистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ П. С. Долгов бошчилигида қардош Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари пахтакорларининг делегациялари келди.

Тожикистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Р. Расулов «1963 йилда пахта тайёрлаш давлат планининг бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалигига раҳбарлик бюросининг раиси ўртоқ В .И. Поляков иштирок этмоқда.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

## ТАШАББУСЛАР ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

### *Ўзбекистон ССР химия ва нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари, қурилиш, монтаж ташкилотлари ва „Узбекхиммаш“ заводи ходимларининг*

### *СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ*

Биз, Ўзбекистон ССР химия ва нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва химия саноати учун машина-ускуналар ишлаб чиқараётган «Узбекхиммаш» заводининг ходимлари луганскликлар ва горькийликларнинг ватанпарварлик ташаббусини қизғин маъқуллаймиз ҳамда пландан ташқари химия маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун, янги ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш ва химия қурилишларига машина-ускуналар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун якдиллик билан социалистик мусобақага қўшиламиз.

Ишлаб чиқариш резервларини янада кўпроқ сафарбар қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтидан самарали фойдаланиш, илғор корхоналар ва қурилишларнинг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибасини жорий қилиш асосида, биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, зиммамизга қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

1. Чирчиқ электрохимия комбинатида бу йил аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича қувватларни муддатидан илгари ишга тушириш.

Фарғонадаги азот ўғитлари заводида аммиак селитраси цехини март ойида — муддатидан уч ой илгари лойиҳадаги қуввати билан ишга тушириш. Заифлаштирилган азот кислотаси ишлаб чиқарадиган ва аммиак ишлаб чиқарадиган қувватларни ҳам муддатидан илгари ишга тушириш.

Қўқон суперфосфат заводида аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарадиган қувватни (қисқартирилган схемада) иккинчи кварталда эмас, балки биринчи кварталда ишга тушириш. Самарқанд суперфосфат заводида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватларни муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топшириш.

Тошкент лак-бўёқ заводида силикатли бўёқлар цехи қурилишини иккинчи кварталда ва қуруқ пигментлар тегирмони цехи қурилишини биринчи кварталда тугаллаш.

Фарғона гидролиз заводида малеин ангидрид ва эндотал цехини муддатидан бир ой илгари қуриб тамомлаш. Янгийўл гидролиз заводида кислород-водород цехини ва 8-цехни муддатидан бир ой илгари ишга тушириш.

Андижон гидролиз заводида кислород-водород цехини ва гидрирация бўлимини муддатидан 3 ой олдин ишга тушириш.

Самарқанд ва Тошкент шина-ремонт заводлари қурилишини муддатидан илгари тугаллаш.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида қуйқалар, парафин, кокс ва инерт гази установкаларини муддатида белгилангандан олдин монтаж қилиш.

Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводида нефтни дастлабки ишлаш установкасини ноябрь ойида ва газ тўлдириш станциясини март ойида топшириш.

2. Технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш процессларини жадаллаштириш ва илғор иш методларини қўлланиш ҳисобига пландан ташқари 2,7 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан: 24 минг тонна минерал ўғит, 4 минг тонна олтингугурт кислотаси, 230 тонна фурфурол, 65 тонна лак-бўёқ маҳсулотлари, 100 тонна озуқабоп оқсил хамиртуриши, 27 минг тонна тиниқ нефть маҳсулотлари, 3 минг тонна минерал мойлар, 3 минг тонна битум, 3 минг тонна бутон бутилен, 100 тонна дифенил ишлаб чиқариш.

3. Химия ва нефтни қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини планда кўзда тутилганидан ташқари 1,5 процент ошириш.

4. Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати корхоналарида янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш юзасидан тадбирларни амалга ошириш ҳисобига йилига шартли 2,5 миллион сўм тежам бериш; йилига шартли 2 миллион сўм иқтисодий самара берадиган 2500 рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш.

5. Маҳсулотларнинг янги турларини: дефолиант, эндотал, органик-минерал ўғитлар (гуммофос), силикатли бўёқлар, сирка-кислотали кальций, озуқабоп оқсил хамиртуришлар, тетрагидрофурил спирт ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

6. «Узбекхиммаш» заводида химия саноати учун қуйидаги машина-ускуналарни:— Салават химия комбинатига ва Сумгаит синтетик каучук комбинатига 90 минг сўмлик 6 та аппаратни февраль ойида — муддатидан бир ой илгари;

—Кировакан химия комбинатига 164 минг сўмлик 4 та аппаратни иккинчи ва учинчи кварталда эмас, балки биринчи кварталда;

— Чирчиқ электрохимия комбинатига 20 минг сўмлик 7 та аппаратни иккинчи кварталда эмас, балки февраль ойида;

— Навоий химия комбинатига 129 минг сўмлик 18 та аппаратни февраль ойининг биринчи ўн кунлигида — муддатидан бир ярим ой илгари тайёрлаб бериш.

Биз химия машина-ускуналари ишлаб чиқарадиган ва етказиб берадиган лойиҳа ташкилотлари ва корхоналарининг ходимларига мурожаат қилиб, бизларга ана шу мажбуриятларни бажаришда ёрдам кўрсатишни, химия объектларини юқори сифатли лойиҳа ҳужжатлари билан ўз вақтида таъминлаш учун, машина-ускуналар ва материалларни муддатидан илгари етказиб бериш учун курашга актив қўшилишга чақирамиз.

Биз техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш маданиятини ҳар тарафлама ошириш учун ҳормай-толмай кураш олиб борамиз, ҳар бир бригада, участка, цехнинг смена топшириқларини ошириб бажаришига эришамиз, ўз малакамизни оширамиз, механизмлар ва машиналардан фойдаланишни яхшилаймиз, партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ социалистик мусобақасида меҳнатдаги ғайратимизни авж олдира берамиз.

**Бу мажбурият Ўзбекистон химия ва нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари, «Узбекхиммаш» заводи ва қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилган ва қабул қилинган.**

## ЗЎР СИЁСИЙ АКТИВЛИК БИЛАН

### *ОКРУГ САЙЛОВ ОЛДИ КЕНГАШЛАРИ*

### МОСКВА

Сайлов олди кампанияси янги босқичга кирди: Москвада округ сайлов олди кенгашлари бошланди. Бу кенгашлар сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

Калинин сайлов округи округ кенгашининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевга мурожаат қилиб, Калинин сайлов округида овозга қўйиш учун розилик беришини сўрадилар.

Пойтахтдаги бошқа сайлов округларида ҳам округ сайлов олди кенгашлари баланд руҳ билан ўтди. Кенгаш қатнашчилари Никита Сергеевич Хрушчевни, Леонид Ильич Брежневни, Фрол Романович Козловни зўр ифтихор ва муҳаббат билан ўз номзодлари қилиб кўрсатдилар.

Округ сайлов олди кенгашларида электр лампа заводи ёритув лампалари цехининг старший мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Е. Котельниковнинг, Владимир Ильич номли завод шлифовшчиги, коммунистик меҳнат зарбдори Г. В. Дмитриев ва бошқа кўп кишиларнинг номзоди якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққан ўртоқлар—сайлов округидаги кўп корхоналар ва муассасаларнинг вакиллари якдиллик билан ўз номзодларини ёқлаб гапирдилар.

Округ сайлов олди кенгашларининг қатнашчилари округлардаги барча сайловчиларга қарата мурожаат қабул қилдилар, ишончли вакиллар сайладилар. Бу ишончли вакилларга номзодлар учун агитация олиб бориш топширилди.

Ленинграддаги бир қанча сайлов округларида РСФСР Олий Советига сайлов юзасидан округ сайлов олди кенгашлари бўлиб ўтди.

Киров сайлов округида ўтказилган кенгаш қатнашчилари Киров заводи меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни ва Киров заводининг новатор фрезерчиси Иван Давидович Леоновни депутатликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифларини баланд руҳ билан қувватладилар. Москва сайлов округида ўтказилган сайлов олди кенгашида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Фрол Романович Козловнинг. Краснофлотский сайлов округида ўтказилган сайлов олди кенгашида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Отто Вильгельмович Куусиненнинг номзоди қўллаб-қувватланди.

Сайловчиларга қарата мурожаат қабул қилинди ва ишончли вакиллар сайланди.

### ТОШКЕНТ

Республика пойтахтида округ сайлов олди кенгашлари бошланди. Меҳнаткашларнинг вакиллари бу кенгашларда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар тўғрисида бамаслаҳат ўз фикрларини баён қилмоқдалар. Кенгашларнинг қатнашчилари коммунистлар билан партиясизлар блокининг мустаҳкам бирлигини намойиш қилиб, Коммунистик партия ишига чексиз содиқ бўлган халқнинг энг яхши фарзандлари республика давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлиги тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилмоқдалар.

Кафанов сайлов округида биринчи ва иккинчи вагон депоси, каноп фабрикаси, Тошкент-товарная станцияси ва Тошкент-пассажир станцияси, «Ташгипротранс» институти ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари коллективлари вакилларининг сайлов олди кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари машинист ёрдамчиси **София Сандованинг** шу округдан депутатликка номзод қилиб кўрсатилишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Урицкий сайлов округида ўтказилган округ сайлов олди кенгашида Тошкент экскаватор заводи, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти, 1-пахта заводи, 47, 54, 142-мактаблар ва меҳнаткашлар бошқа коллективларининг вакиллари КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг Раиси **Владимир Григорьевич Ломоносовни** шу округдан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида Темир йўл сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши бўлди. Бу кенгашда кўп киши қатнашди. Ана шу олий ўқув юртининг студентлари ва профессор-ўқитувчилари, тепловоз депосининг темир йўлчилари, «Средазтрансстрой» қурилиш бошқармасининг ишчилари, техниклари ва инженерлари, темир йўл ва индустриал техникумлар коллективларининг вакиллари сайлов олди кенгашларининг КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон

(Давоми иккинчи бетда).

**3 МАРТ**
*Советларга сайловлар*
**КУНИ**

# ЗЎР СИЁСИЙ АКТИВЛИК БИЛАН

(Боши биринчи бетда).

Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Тошкент аэропорти, электр асбоблари заводи, ремонт-механика заводи, 37, 108, 93, 146-мактаблар коллективларининг вакиллари Пролетар сайлов округида ўтказилган сайлов олди кенгашида Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон территориал бошқармаси «ИЛ-18» ҳаво кемасининг командири **Тошкан Хўжаевнинг** номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Щербаков сайлов округи меҳнаткашлари коллективлари вакилларининг кенгашида сайлов олди йиғилишларининг 1-тикувчилик фабрикаси тажриба цехининг тикувчиси **Маъмура Акмаловани** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарори қўллаб-қувватланди.

Пушкин сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари сайлов олди кенгашининг қатнашчилари «Ташсельмаш» заводининг директори **Евгений Александрович Беловдан** шу округ бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришини сўраш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Чапаев сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари сайлов олди кенгашининг қатнашчилари сайлов олди йиғилишларининг Ўзбекистон ССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари, республика министри **Иван Иванович Бурлаченкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорларини қўллаб-қувватладилар.

Ленин сайлов округида ўтказилган сайлов олди кенгашининг қатнашчилари 1-босмахона ҳарф терувчиси **Муборак Холматованинг** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини маъқуллаб қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари сайлов олди кенгашининг қатнашчилари ўз қарорларида Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари **Павел Иванович Садименконинг** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини маъқуллашдилар.

Большевик сайлов округи меҳнаткашлари вакиллари сайлов олди кенгашининг қатнашчилари сайловчиларни 3 март куни Тошкент гарнизони ҳарбий хизматчиси **Георгий Кузьмич Платоненковни** ёқлаб овоз беришга чақирдилар.

Фрунзе сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари карборунд заводи ишчиси **Раиса Сергеевна Игнатованинг** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини маъқулладилар.

Индустриал сайлов округида сайлов олди кенгашининг қатнашчилари «Таштекстильмаш» заводи темирчилик-пресс цехи пайвандчиси **Григорий Иванович Костиннинг** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини қўллаб-қувватладилар.

Завод сайлов округида ўтказилган округ сайлов олди кенгашининг қарорида тўқимачилик комбинатининг директори **Зикрилла Абдуллаевич Абдуллаевнинг** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши маъқулланди.

### АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Сардоба сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари Намангандаги Гагарин номли тикувчилик фабрикасининг моторист тикувчиси **Ойшахон Сотиволдиеванинг** республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Наманган сайлов округида ўтказилган сайлов олди кенгашининг қатнашчилари сайловчиларни Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов кунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг раиси **Мирзамаҳмуд Мирзараҳимович Мусахонов** учун аҳиллик билан овоз беришга чақирдилар.

Чуқур кўча сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг округ сайлов олди кенгаши Намангандаги шойи тўқиш фабрикасининг тўқувчиси **Мавлудахон Камолованинг** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини қўллаб-қувватлади.

Олтинкўл сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг сайлов олди кенгашида Андижон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Тельман номли колхоз раиси **Марямхон Йўлдошеванинг** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши маъқулланди.

Округ сайлов олди кенгашларининг қатнашчилари ўз округларидаги барча сайловчиларга мурожаат қилиб, уларни коммунистлар билан партиясизлар блокининг муносиб номзодларини ёқлаб овоз беришга чақирдилар. Кенгашларда ишончли вакиллар сайланди. Бу ишончли вакилларга депутатликка кўрсатилган номзодлар учун агитация ишлари олиб бориш топширилди. (ЎзТАГ).

Тошкент уйсозлик комбинатининг бинокорлари бу йил камида 100 минг квадрат метр ҳажмда йирик панелли турар-жой қуриб меҳнаткашларга тортиқ қилишга бел боғлаганлар. Суратда: тайёр йирик панелларни складга жойлаштириш пайти. Бу ишлар қудратли кранлар ёрдамида бажарилмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

## ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

### ЛОЙИҲАЧИ — АВТОМАТ

**«Гипротрансмост» институтига Москва-реканинг Фили деган жойида қуриладиган янги кўприк лойиҳасини тайёрлаб бериш вазифаси топширилган эди. Бунинг учун жуда кўп ғоят мураккаб ҳисоблаш ишларини амалга ошириш зарур бўлиб қолди. Лойиҳаловчилар ёрдам учун тез ишлайдиган электрон-ҳисоблаш машиналарига мурожаат қилишди. Уларнинг кўмаги туфайли қисқа вақт ичида жуда кўп хил вариантлар аниқ ҳисоблаб чиқилди ва кўприкнинг энг яхши конструкцияси танлаб олинди.**

**Братск ГЭСини лойиҳалаш пайтида эса эстакадаларнинг юз метрлик таянчлари конструкциясини танлаб олиш керак эди. Яна электрон техника иш берди. Натижада кўп вақтни ҳамда катта миқдорда пўлат (эстакада устунлари учун мўлжалланган оғирликнинг 7 проценти) тежаб қолинди.**

### ЖАЖЖИ «ЛУННИК»

**Конструкторлар фикрловчи ўзи юрар автоматга жажжи «Лунник» деб ном қўйдилар. Автоматга чала ўтказгичларда электрон «ақл» ўрнатилган. У тўсиқ, ёруғлик ва овозни сеза олади.**

**Айтайлик, мана, унинг йўлидан тўсиқ чиқиб қолди. Юраётган «Лунник» уни кўриб тўхтади, сал тисланиб, тўсиқни айланиб ўтди-да, зал бўйлаб сафарини давом эттирди.**

**Автомат бошқача йўл билан ҳам синаб кўрилди. «Лунник»нинг айланма экранчасига ёниб турган гугурт чўпи яқинлаштирилди. Автомат ўйланиб қолди ва оҳистагина тўхтади. Тажриба яна такрорланганида у сигнални пухта эслаб олди ва биринчи ёруғликни кўриши биланоқ тўхтаб қолди. Худди шу йўл билан «Лунник»ни хуштак овозининг тез реакциясига ҳам ўргатса бўлади.**

**Бу машина яқин келажакда Политехника музейида намойиш қилинади.**

### ПАШШАЛАР УЧУН «ЭЛЕКТР СТУЛ»

**Пашшаларни қириб ташлаш йўли борми? Албатта ёпишқоқ қоғоз, пашша туткич сотиб олишингиз мумкин. Лекин бундай «қурол»лар билан кўп пашшаларга, масалан, чорвачилик фермаларидаги сон-саноқсиз пашшаларга қарши курашиш осон эмас. Химиявий методларни ҳам қўлланиб бўлмайди. Чунки, озуқаларга заҳарли моддалар аралашиб кетиши хавфи бор.**

**Ҳозир пашшаларни қириб ташлайдиган қулай восита — «Электр стул»лар ишлаб чиқарила бошланди. Бу мосламанинг номи электр ёритгич бўлиб, у пўлат сим сеткали абажур билан ўралган оддий электр лампочкасидан иборат. Сеткани лампа патрони тагига ўрнатилган трансформаторга уланиб қўйилади. Трансформаторнинг кучланиши 220 дан 1600 вольтгача кўтарилади. Шунингдек, лампочка яқинига пашшаларни имлаб чақирадиган тонча ҳам ўрнатилган. Ёруғлик ва ҳидга маст бўлган пашша юқори кучланишли сеткага келиб тегади-да, электр разрядидан шу заҳотиёқ ўлади.**

# Советлар сайловига пухта тайёрланайлик!

САЙЛОВДАН / САЙЛОВГАЧА

## 250 ЭДИ, 300 ТА БЎЛДИ

**Пойтахтимизнинг энг йирик районларидан бири — Октябрь районида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда.**

**Район меҳнаткашлари ўтган сайловлардан бери катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдилар. Турли саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Кечагина нообод бўлиб ётган ерларда бугун янги-янги бинолар қад кўтарди, район территориясини обод қилиш юзасидан салмоқли ишлар қилинди.**

**Сайловолди агитация ишлари олиб бораётган агитаторлар сайловчиларга ана шу ўзгаришлар ҳақида, галдаги вазифалар, улкан режалар ҳақида мароқ билан сўзлаб бермоқдалар.**

**Бу сафар районда республика Олий Совети ва маҳаллий Советларига сайлов ўтказадиган 406 та округ ташкил этилди. Сайлов участкаларининг сони эса 78 тага етди. Ўтган сайловларда район Советига сайлов ўтказган округ комиссияси 250 та бўлган бўлса, бу йил районнинг бир қисми Чиланзор территориясига ўтганлигига қарамай район Советига сайлов ўтказувчи округлар сони 300 тани ташкил қилди. Бу эса оила аъзоларининг сони кун сайин кўпаяётгани, сайловдан сайловгача бўлган даврда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганлар сафи анча кенгайганлигининг далилидир.**

**Шу кунларда райондаги қайси бир сайлов участкасига кирманг, умумхалқ байрами нафасини сезасиз. Агитпунктлар шинам қилиб безатилган, сайловчилар билан гавжум. Сайловчиларнинг рўйхатлари кўзга кўринарли ерларга осиб қўйилган. Коммунистлар, партиясиз активлар ва турли касбдаги мутахассислар сайловчилар учун лекция ва суҳбатлар ўтказишга жалб қилинганлар. Ҳозир районда 5 мингдан ортиқ агитатор сайловолди тушунтириш ишлари олиб бормоқда.**

**24-мактаб ҳузуридаги 192-сайлов участкасига келсангиз ташкилий-оммавий ишларнинг намунали йўлга қўйилганини кўриб, қувонасиз. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта, агитпункт дид билан безатилган. Истаган газета-журналингизнинг янги сонини ўқишингиз мумкин. Агитпунктга 62 агитатор бириктиб қўйилган. Улар ўзларига бириктилган хонадонларда лекция-суҳбатлар ўтказадилар, график бўйича навбатчилик қиладилар.**

**Райондаги 139, 201, 169, 179, 205-сайлов участкаларида ҳам сайловларга тайёргарлик намунали йўлга қўйилган. Айниқса мактаб ўқитувчилари сайловчиларга маданий хизмат кўрсатиш, суҳбатларнинг қизиқарли бўлишини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Шунингдек «Қўштут», «Октябрь 40 йиллиги», «Янгиобод», «Тинчлик» каби маҳалла комитетларининг активлари ҳам сайлов кампаниясига пухта тайёрлик кўришмоқда. Маҳалла меҳнаткашлари учун турли савол-жавоб кечалари, қизиқарли учрашувлар, мутахассисларнинг чиқишлари уюштирилмоқда.**

**Район партия комитетида сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала тез-тез муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни дарҳол тугатиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланяпти, бу муҳим сиёсий кампанияни зўр уюшқоқлик, бирдамлик билан ўтказиш чоралари кўриляпти.**

**Кун сайин обод бўлиб, ривожланаётган Октябрь райони аҳолиси ҳар сафаргидек бу гал ҳам халқнинг муносиб номзодлари учун овоз беришни зўр тантана билан нишонлайди.**

**М. МИРЗАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз ходими.**

## ҚИЗИҚИШ БИЛАН

*Калинин районидаги 34-мактабга ўрнашган агитпункт коллективи Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига бўладиган сайловолди агитация ишларини намунали ўтказмоқдалар. Ўртоқ Убай Асилов мудирлик қилаётган бу агитпункт ҳақиқатан ҳам колхозчиларнинг ишдан кейинги маданий ҳордиқ чиқариш жойига айланиб қолди. Агитпункт турли плакат ва сайлов кунини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга чорловчи шиорлар билан шинам қилиб безатилган. Бу ерда ҳар хил бадиий адабиёт, газета ва журналларни ўқиш мумкин.*

*Агитпунктнинг Г. Тошматов, М. Убайдуллаева ва М. Тўлагонова каби 20 га яқин ишчан агитатори хонадонларда, шунингдек колхоз фермаларида, клубда турли темаларда 15 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказдилар.*

*Киров номли колхозга бириктилган агитаторлар ҳам қисқа вақт ичида сайловчилар ўртасида «Сайлов ҳақида Низом» ва «Совет сайлов системаси» каби темаларда мароқли суҳбатлар ўтказишди. Бундан ташқари колхоз радиоузели орқали «Сайловдан сайловгача», КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари» каби темаларда суҳбатлар эшиттираётирлар.*

*Ю. МАНСУРОВ.*

## САЙЛОВЧИ ОТА-ОНАЛАР УЧУН

*Тошкентдаги 158-мактаб ҳузуридаги 33-агитпункт коллективи сайловчиларга намунали маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Н. Умурзоқова, О. Зияев, Ҳ. Ортиқхўжаев каби ўқитувчи-агитаторлар сайловчилар ўртасида юқори савияда суҳбатлар ўтказишяпти.*

*Яқинда агитпунктда сайловчи ота-оналар учун «Совет сайлов системаси» деган темада суҳбат ўтказилди. Суҳбат охирида кекса сайловчилар турли масалалар бўйича ўзларини қизиқтираётган саволларга жавоб олдилар. Сайлов участкасида деворий газета ва фотомонтажлар чиқарилди. Сайловларни намунали ўтказиш учун барча тадбирлар амалга оширилятпи.*

*Н. РАҲИМОВА.*

## ЧИРЧИҚДА

**Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналарида, қурилиш участкаларида, маданият уйлари ва клубларда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик авжида.**

**Шаҳарда ташкил этилган 32 та агитпунктга 2520 агитатор бириктилган. Улар сайловчилар орасида маданий-оммавий ишларни намунали ташкил қилмоқдалар. Оққовоқ сайлов участкаси ҳузуридаги агитпункт айниқса яхши жиҳозланган. Бу ерда сайловларга доир брошюралар, турли техника ва бадиий-сиёсий адабиётларни ўқиш мумкин. Сайловчилар рўйхати кўзга кўринарли ерга тартиб билан илиб қўйилган. Агитаторлар навбатчилик қилиб туришади.**

**Пионерлар саройига жойлашган агитпунктда ҳам ташкилий ишлар кўнгилдагидек уюштирилган. 160-қурилиш трестининг ишчи-ёшлари сайлов участкасини жиҳозлашда бир неча мазмундор стендлар тайёрлаб беришди.**

**Электрохимия комбинати, «Чирчиқсельмаш» «Ўзбекхиммаш» заводлари ва 160-қурилиш тресги партия ташкилотлари агитаторлар билан семинарлар ўтказмоқдалар. Сайловчиларга тематик лекция-суҳбат ўтказиш учун шаҳар илмий билимлар тарқатувчи жамиятининг малакали лекторлари жалб қилинган.**

**Ж. САРИЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

7 февралда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Марказий сайлов комиссияси республика министрликлари ва бошқармаларининг сайлов кампаниясида иштироки тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Ўзбекистон ССР алоқа министри М. А. Шарков, Ўзбекистон ССР маданият министри С. М. Муҳаммедов, Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон территориал бошқармасининг бошлиғи А. Ю. Ғозиназаров, республика савдо министрининг ўринбосари А. А. Матвеев, Тошкент темир йўли бошлиғининг ўринбосари С. Н. Комилов, Ўзбекбирлашув правлениеси раисининг ўринбосари З. Ш. Сираджев ахборот бердилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик қандай бораётганлиги тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишоновнинг ва Сирдарё сайлов округи округ сайлов комиссиясининг раиси А. Турсуновнинг ахборотлари тингланди. Комиссия қабул қилган қарорларида сайловга тайёргарлик соҳасидаги ташкилий-техника ишларини кучайтиришга қаратилган тадбирларни белгилади. Қарорда сайловчиларнинг рўйхатларини ўз вақтида ва аниқ қилиб тузиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг ишларини бутун чоралар билан кучайтириш муҳим эканлиги таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи барча округ сайлов комиссияларининг раисларига мактуб юборди. Бу мактубда округ сайлов комиссияларига бир қанча тавсиялар берилди (ЎзТАГ).

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

## ПЎЛАТ ИЗ МАШЪАЛИ

Тошкент вокзали пассажирлар билан лиқ тўла. Диспетчер радио карнайи орқали баланд овоз билан маршрут йўлларини бирин-кетин эълон қилмоқда.

— Пассажирлар диққатига! Тошкент—Когон маршрути бўйича поезд яна ярим соатдан кейин жўнайди.

— Вақт оз қолибди, қани чемоданларни кўтар, — дея Дўстмуҳаммад ота ўгирилиб орқасига қаради-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. — Тўлқин, Тўлқин, — деб бирнеча бор чақирди. Қани энди нидо чиқса.

Дўстмуҳаммад ота тепловоз олдига келиб атрофни кўздан кечира бошлади.

— Дадажон, мен шу ердаман, — деди тўсатдан Тўлқин, — тепловозни тамоша қиляпман. Шунча вагонни битта тепловознинг ўзи тортаркан-а? Мен ҳам катта бўлсам тепловоз ҳайдайман.

Сўнгра ота-бола поездга чиқиб, Когон томон йўл олдилар. Вагонда ота-бола суҳбати қизиб кетди. Ҳадеб Тўлқин машинист бўламан, дер эди...

Ниҳоят Тўлқин ўз орзусига эришди: Тошкентдаги электромеханика техникумига кириб ўқийбошлади. Тўлқин бошлаган ишини ниҳоясига етказмагунча тиниб-тинчимайди. У ўқиш жараёнида «ТЭ-3» маркали тепловозни бошқариш йўлларини пухта ўрганди. 1958 йили имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, тепловоз машинисти гувоҳномасини олди.

Тўлқин шу пайтдан бошлаб, Тошкент тепловоз депосида машинист бўлиб ишлаб келмоқда. У ҳайдаётган «ТЭ-3» тепловози Тошкент — Оҳангарон ва Оҳангарон — Тошкент темир йўлида бир меёрда қатнаб, пассажирларни манзилларга белгиланган муддатда етказиб турибди.

Ёш машинист Тўлқин Дўстмуҳаммедов фидокорона меҳнати билан ҳамкасб дўстлари орасида катта обрў орттирди. Уни Коммунистик партия сафига қабул қилишди.

Тўлқин ҳозир Тошкент депосининг локомотив цехида комсомол ташкилотининг секретари ҳамдир. Бу жамоатчи машинист ҳозир цехдаги 175 комсомолга раҳбарлик қилмоқда ва актив комсомоллардан иборат «Комсомол прожектори» отрядлари тузиб, ишдаги камчиликларни очиб ташлашда депо партия ташкилотига яқиндан ёрдам бераётир.

Депо комсомол-ёшлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини атрофлича ўрганиб чиқиб, партия қўйган талаблар асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда темир йўл техникасини янада тараққий эттириш ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Депонинг локомотив цехидаги Тўлқин Дўстмуҳаммедов бошлиқ ҳар бир ёш машинист, слесарь, токарь белгиланган топшириқларни ҳамиша муваффақиятли ўринлатмоқда.

Тўлқин депода ёнилғи тежаш учун курашаётганларнинг олдинги сафида бормоқда. У ўтган йили 10 тоннадан ортиқ ёнилғи тежади. Ўт юракли бу ёш коммунист комсомол-ёшлардан ёрдамчи машинистлар тайёрлашда ҳам ибрат бўлаётир. Мабодо ундан:

— Шогирдларингиз борми? — деб сўрасангиз, у:

— Ҳа, атиги иккитагина, — дейди камтарлик билан. — Буларнинг бири — Анвар Семашов, иккинчиси Султон Аюпов. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳозир машинист ёрдамчиси бўлиб ишлашяпти.

Улар устозлари Тўлқин каби пассажирларни Ватанимизнинг узоқ-яқин манзилларига ўз вақтида етказиб қўйишда ташаббус ва жонбозлик кўрсатмоқдалар.

**З. ОТАХОНОВ.**

ИЛМИЙ-АТЕИСТИК ТЕМАДА

## ЎТМИШ САРҚИТИ

КПСС Программасида кўрсатилганидек, коммунизм ғалабаси учун курашда идеология иши тобора кучли факторга айланмоқда. Омма орасида тарбиявий ишларни кучайтириш, юксак ахлоқий принципларни ҳар бир меҳнаткашга сингдириш, ҳар бир кишининг ўз иши учун коллектив олдидаги, бутун совет халқи олдидаги масъулият ҳиссини ошириш зарур. Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги ижодий активлиги ҳам шунчалик ортади.

Идеология ишимизнинг энг муҳим соҳаларидан бири, кишиларни жанговар, илмий-атеизм руҳида тарбиялашдир. Диний сарқитларга қарши кураш коммунистик тарбия соҳасидаги ишимизнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Дин ўзининг бутун тарихида инсоният учун ғоят катта реакцион таъсир кўрсатиб келди. У халқ учун афюндир. Диннинг афюнлик моҳиятини рўза тутиш маросими мисолида яққол кўриш мумкин.

Мусулмон руҳонийлари рўза тутиш одатини фақат ислом дини билан боғлиқ равишда пайдо бўлган маросим деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, рўза тутиладиган рамазон ойи муқаддас ой эмиш. Бироқ, рўзанинг келиб чиқиш тарихи шундан далолат берадики, у ислом динидан анча олдин пайдо бўлган. Рўза — арабларнинг узоқ ўтмишдан сақланиб келаётган урф-одатидир. Бошқа диний урф-одатлар каби рўза ҳам араб қабилаларининг дастлабки ибтидоий-иқтисодий ҳаёти, ижтимоий муносабатлари ва маҳаллий шароитлари билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Ислом динининг макони бўлган Арабистон ярим оролининг асосий қисми чўллар, тоғликлардан иборат бўлиб, суви кам, экин майдонлари жуда оз. Иқлими жуда иссиқ бўлиб, ёзда гоҳо 50-60 даражага етади. Шу сабабли кундуз кунлари меҳнат қилиш қийин бўлган. Араблар ёз фаслида кўпинча кечаси ишлаб, кундуз кунлари дам олар эдилар.

Онгсиз, табиат кучлари олдида ожиз бўлган араб қабилалари тоат-ибодат қилиб, худодан ёмғир ёғдиришни, ўзларига ва чорва молларига раҳм-шафқат қилишни сўрар эдилар. Улар худонинг раҳмини келтириш учун «нафсни тийиш», «бемаҳал овқат емаслик»ни ўз бурчлари деб билганлар. Шу тарзда аста-секин рўза тутиш маросими шаклланганлигини кўрамиз.

Ислом дини келиб чиққандан сўнг, рўза унинг муҳим маросимларидан бирига айлантирилди. Дин рўза тутиш шартларини ниҳоятда оғирлаштирди. Ҳар йили ўттиз кун кундузи овқат ейишни, ҳид искашни, сув ичишни, ҳатто рўза тутувчиларга дори ичишни ҳам манъ қилди.

Дин рўзани «дўзах», «жаннат», «нариги дунё» сингари сохта уйдирмалар билан боғлаб, унинг зарарини, афюнлик ролини ниҳоятда кучайтирди ва меҳнаткаш оммани маънавий қолоқликда, қоронғиликда сақлаш, шу асосда уни эксплуатация қилишнинг асосий воситаларидан бирига айлантирди.

Рўза кишиларни руҳан эзади, уларнинг ақлий тараққиётига путур етказади. Рўза тутиш, айниқса, кишиларнинг соғлиги учун зарарлидир.

Инсон учун энг қимматли нарса — соғлиқ-саломатлик. Соғлом бўлиш эса овқатланиш режимига риоя қилишга боғлиқ. Ваҳоланки, рўза тутган одамларда овқатланиш режими бузилади. Одатда ҳар куни уч-тўрт маҳал ёки ҳар беш-олти соатда овқатланиб туриш лозим. Рўза тутувчи эса саҳардан қош қорайганига қадар, яъни тахминан 18 соат давомида овқатланмай юради. Кейин бирданига кўп овқат ейди. Бундай вақтда организмда чуқур ва оғир ўзгариш вужудга келади. Натижада организм нормал ишлаш ва ўсиш қобилиятларини йўқотади, унинг фаолияти бузилади, касаллик пайдо бўлади. Овқат ҳазм қилиш ширасини ишлайдиган безларда тормозланиш рўй бериб, уларнинг вазифалари пасаяди ёки йўқсла бошлайди.

Рўза тутувчилар кун бўйи овқатланмай, оғиз очганда турли хил, талай овқатларни истеъмол қиладилар. Натижада меъда кенгайиб, заифлашади. Ошқозоннинг шира ишлаб чиқариш қобилияти пасаяди. 30 кун рўза тутиш вақтида организм ўзининг нормал ҳаёти учун керакли овқат моддасини ўз вақтида ва тегишли миқдорда ололмайди. Демак, кишининг тинкаси қурийди, юрак ҳаракати сусаяди, қон ҳаракати бузилиб, эски касалликлар кучаяди.

Айниқса, организми заифлашган, касал, кексайган кишилар, шунингдек бола эмизадиган оналар учун рўза тутиш хавфлидир. Ўтган йили рўза тутиб аҳволи оғирлашган Отажонова деган аёл яқинда ТошМИ клиникасига олиб келинган эди. Аниқланишича, бемор рўза тутиш натижасида нотўғри овқатланган ва оғир ичак касаллигига дучор бўлган.

Бола эмизувчи оналарнинг рўза тутиши ҳам она, ҳам бола учун зарарли. Тошкент шаҳар, Фурқат кўчасида турувчи К. исмли она медицина фанлари кандидати ўртоқ И. Фозиловга боласи қаттиқ касалланганлигидан ўксиниб мурожаат қилган. Текшириб кўрилганда, онанинг рўза тутиши натижасида бола саломатлиги ёмонлашган. Болага яхши қаралмаган ва етарли миқдорда сут берилмаган. Оқибатда бола ҳам, она ҳам касал бўлган. Бундай ҳоллар тез-тез учраб туради.

Доктор Мақсудов ҳикоя қилади:

— «Собиржон деган киши рамазон ойи ўрталарида касалланиб, менга ўзини кўрсатди. Бу кишини яхши танир эдим. У жуда соғлом, бақувват, ишчан, меҳнатсевар эди. Унинг ҳозирги ҳолини кўриб, ҳайрон қолдим. Собиржоннинг илгариги хушчақчақлиги қолмаган, ранги сарғайган. У: «мени рўза енгиб қўйганга ўхшайди, илгариги иштаҳам қолмади, бирон нарса есам ўтмай, кўкрагимга қадалади, қорним оғрий бошлайди» деди. Мен унга бу нарса рўза тутишнинг оқибати эканлигини ва ундан воз кечмаса, аҳволи яна ҳам оғирлашиши мумкинлигини тушунтирдим. Собиржон рўза тутишдан воз кечди».

Собиржонга ўхшаган кишиларни дин исканжасидан қутқариш фақат врачларнинггина вазифаси бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун жамоатчиликнинг бурчидир.

Рўза ойида бошқа диний маросимлар ҳам ўтказилади. Улардан бири ифторлик. Ифторлик ўтказувчи диндор оила бор-йўғини сарфлаб, ўз меҳмондўстлиги ва саховатини кўрсатмоқчи бўлади. Ифтор вақтида қуръон ўқиш, диний мавзуларда суҳбатлашиш, диний ғазаллар ўқиш, ривоятлар айтиш йўли билан дин тарғиб этилади. Булар эса кишилар ва айниқса ёш авлод миясини заҳарлайди.

Хуллас, рўза тутиш ва у билан боғлиқ бўлган диний маросимлар коммунизм қуриш ишига, коммунизмга хос инсоний хислатларни шакллантиришга маълум даражада зарар етказади. Шунинг учун ҳам эскилик сарқитларига қарши системали равишда кураш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

**П. ХАМИДОВ.**
**Сиёсий ва илмий билимлар тарқатиш область жамияти илмий-атеистик секциясининг раиси, фалсафа фанлари кандидати.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловлар муносабати билан Чиланзор районидаги 284-сайлов участкасининг агитколлективи сайлов олди тушунтириш ишларини қизитиб юборди.

Суратда: агитпункт мудири Жамол Асанов (ўнгда) агитаторлар билан навбатдаги машғулотни ўтказмоқда.

А. Абалян фотоси.

# КЎКЛАМ ЯҚИН, ЭКИШГА ШАЙ БЎЛИНГ!

*Усть-лабинсклилар айтганларидек, бу йилги кўклам биз, деҳқонлар учун жиддий синов, мўл ҳосил учун курашда жуда муҳим босқич бўлади. Қишлоқ меҳнаткашларининг бутун куч-ғайрати экиш кампаниясини шай бўлиб кутиб олишга ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилмоғи керак.*

☆☆☆

## БАРМОҚ ТИШЛАБ ҚОЛМАЙЛИК

— Ем-хашак базаси ҳақида биз алоҳида ғамхўрлик қилмоқдамиз. Ем-хашак мўл бўлса, мол тўқ, гўшт ва сут мўл бўлади, дейишади Усть-лабинсклик ғаллакор ва чорвадор дўстларимиз. Тўғри-да, «озиқли от ҳоримас» деб бечиз айтишмаган. Чорва ривож топсин деган чорвадор аввало ем-хашак ғамлайди. Эрта баҳорданоқ озиқбоп экинни экишга тайёрлик кўради.

Шу кунларда Усть-лабинсклик ташаббускорлар ҳаракати ҳамма жойда авж олиб кетди. Бу ҳақда ҳар куни хушхабарлар эшитиб, ўқиб турибмиз. Аммо ўзинг ишлаб, яшаб турган қишлоқда бу ҳаракат қанот ёймаётгани кишини афсуслантирар экан. Ахир бизнинг «Ховос» совхозимиз ғаллакор ва чорвадор хўжалик ҳисобланади. Усть - лабинскликларнинг мактуби, мурожаати ҳаммадан кўра бизга кўпроқ тегишли-ку. Шундай бўлишига қарамай, совхозимизда иш аввалгидай жуда сусткашлик билан боряпти.

Масалан, совхозда ем-хашак, силос тайёрлаш ишларини олайлик. Ўтган йили совхозда силос плани бажарилмади. Айниқса, совхознинг йирик бўлими ҳисобланган 4- бўлимда ем-хашак тайёрлаш ишига жуда совуққонлик билан қаралди. Тўйимли озиқа — маккажўхори етиштириш плани бажарилмади. 125 гектар ердаги маккажўхоридан пландаги 400 ўрнига 240 центнердан кўкпоя олинди. Маккажўхори дони етиштириш бўлса бундан ҳам ачинарли. Натижада бўлимдаги чорва молларн учун шу кеча-кундузда ем-хашак етишмай қолди.

Бўлим бошқарувчиси ўртоқ Тошпўлат Алимбердиев ўтган йилги аччиқ сабоқлардан хулоса чиқариб бу йил ем-хашак етиштиришга барвақт тайёргарлик кўриши керак эди. Афсуски, бўлимдаги бу йилги аҳвол бултургидан ҳам ёмон. Ҳанузгача қанча гектар ерга маккажўхори ва қанча гектар майдонга бошқа экинлар экилиши аниқ эмас. Бунинг устига шудгорлаш, далага ўғит чиқариш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Ўтган йили худди шу кунга қадар 400 тонна гўнг чиқарилган эди, лекин бу йил атиги 70 тонна гўнг чиқарилди, холос.

Маккажўхори экиладиган ерларга яхоб суви бериш иши тўхтаб қолди. Бўлимнинг 50 гектарга яқин ерига яхоб суви берилди, холос. Шунингдек ариқ-зовурларни тозалаш иши ҳалигача тугалланмади. Бўлимда бу ишларнинг ҳаммасини ўз вақтида тугаллаш учун барча имкониятлар мавжуд эди. Айниқса, январь ойида илиқ-иссиқ кунлар кўп бўлди. Лекин ана шундай қимматли дамлардан унумли фойдаланилмади. Бўлимнинг молхона, қўйхона ва отхоналаридан ташқарига чиқариб ташланган гўнглар уюлиб ётибди. Уни далага, шудгорга ташиб чиқаришга эътибор берилмаётир. Раҳбарлар «бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш тутишаяпти.

1960-1961 йилларда совхоз фермасида 1650 бош чўчқа бор эди. Улар яхши парвариш қилинмаганлиги, ширали ем-хашак концентратлар билан боқилмаганлиги туфайли чўчқалар сони камайиб кетаяпти. Ҳозир фермада 1224 бош чўчқа қолди. Аммо, бу жониворлар ҳам етарли озуқа берилмаётганлиги туфайли ориқлаб турли касалликларга чалинмоқда. Қисқа вақт ичида 387 чўчқа камайиб кетди.

Ферма мудири ветврач Аникеев фермадаги аҳволни яхшилаш ҳақида куюниб гапирадию, лекин амалда дуруст иш олиб бормайди. Совхознинг бош ветврачи Умеров бўлса чўчқахонага онда-сонда келади. Келганда ҳам дурустроқ ёрдам кўрсатиш ўрнига чўчқабоқарларни койигани-койиган. Уларнинг иш шароити билан яхши қизиқмайди. Ана шунинг учун ҳам чўчқабоқарларда ишга қизиқиш йўқ. Кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган Бакиров, Мусурмонқулов каби чўчқабоқарлар чўчқахонадаги аҳвол ҳақида мажлисларда бир-икки сўзлашган эди, уларни ишдан четлатиб юборишди.

Совхозда чўчқачиликни ривожлантиришга ана шундай совуққонлик билан қаралмоқда. Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти фермадаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан бирор тадбирий чора кўрмаётир. Аҳвол мана шундай давом этаверса бу йил ҳам чорва планимизни бажара олмай эл олдида уялиб қоламиз.

**А. МАМАРАЖАБОВ,**
**О. МУСТАФОҚУЛОВ,**
**А. МАВЛОНБЕРДИЕВ,**
**совхоз ишчилари.**

## БУГУН „КЎКОРОЛ"ДА

Усть-лабинсклик меҳнаткашларнинг ватанпарварлик чақириғига қўшилган областимиз ғаллакорлари дон экишни кундан-кунга қизитмоқдалар. Бўка районидаги мусобақадош «Кўкорол» совхози далаларида баҳорги дон экиш кампанияси айниқса қизғин бормоқда. Суратда: совхоз даласида дон экиш пайти.



## МУСОБАҚАДОШ ЧОРВАДОРЛАР

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасида 2 та «Коммунизм» колхози бор. Иккала колхознинг чорвадорлари эл дастурхонига мўл-кўл сут, гўшт, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириб беришда намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Шу кунларда бу икки колхоз чорвадорлари орасида Усть-лабинсклик ғаллакор ва чорвадорлар бошлаб берган ташаббус асосида социалистик мусобақа қизиб кетди.

Калинин зонасидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари бу йил давлатга 360 тонна сут, 72 тонна гўшт, 75 минг дона тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириб берадилар. Ана шу маҳсулотларни ўз вақтида тайёрлаш учун колхоз чорвадорлари астойдил ишламоқдалар. Илғор сут соғувчилардан Раъно Қулмуҳамедова билан Муҳаббат Саъдуллаевалар бир бирларини социалистик мусобақага чақиришган. Мусобақанинг шарти бир йилда ҳар бош сигирдан камида 3 минг литрдан сут соғиб олиш. Ҳозирги натижалар қувончли, бир кунда ҳар бош сигирдан 10-12 литрдан сут соғиб олинмоқда. Натижада колхоз шу кунгача давлатга 30 тоннага яқин сут сотди.

Колхозда гўшт етиштириш плани фақат бўрдоқига боқилаётган қорамол, чўчқа, қўй гўшти ҳисобига бажарилмоқда. Бу хўжаликда айниқса чўчқачилик яхши ривожланган. Давлатга сотиш учун 130 чўчқа бўрдоқига боқилаётир.

Колхоз чорвадорлари шу йўл билан давлатга гўшт сотиш йиллик планини январь ойининг ўзидаёқ эллик процент бажарди.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли яна бир «Коммунизм» (Оржоникидзе зонасидаги) колхозининг чорвадорлари ҳам чорва маҳсулотлари етиштиришда йил сайин янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Сут-товар фермасида эса сут соғувчилар мусобақаси авжида. Тилла Расулева Насиба Ғаниевани мусобақага чақирди. Уларнинг иккаласи ҳам ўзларига бириктилган 20 бош сигирнинг ҳар биридан бир йилда 3600 литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини олишган.

**Э. ҲАМИДОВ**
**И. МАННОНОВ**
**Н. ҚАЮМОВ.**

# ЎРИНБОСАРНИНГ ОЁҒИ ТОРТМАДИ

Колхоз устахонасига кириб борганимизда механизация бўйича раис ўринбосари Омонқул Отақулов 3-4 киши билан бахслашарди.

— Ёлғизлик қилаяпман, бир киши берсангиз, тузатиб қўярдим, — дерди Отақуловнинг қаршисида турган бир механизатор.

— Сенга берадиган одамим йўқ, ўзинг ҳаракат қилавер, — жавоб берди Отақулов.

Биз Омонқул Отақуловдан кўкламги экиш кампаниясига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гапириб беришни илтимос қилганимизда у ўзининг идорасига бошлади.

— Хўжаликда нечта чопиқ трактори бор?

— 42 та чопиқ тракторимиз бор. Ремонт қилишга анча барвақт киришганмиз. 15 тасини тахт қилиб қўйганмиз.

— Ҳаммасини ўз механизаторларингиз ремонтдан чиқаришганми?

— Йўқ, «Узсельхозтехника» район бўлимига 10 та «ДТ-24» ҳамда 10 та универсал олиб бориб берган эдик. 8 тасини ўшалар ремонт қилишган.

Шундан сўнг ўртоқ Отақулов «Узсельхозтехника» район бўлими раҳбарларидан нолийкетди.

— «Узсельхозтехника» район бўлимида ремонтдан чиқарилган 8 та чопиқ тракторини аранг устахонага етказиб келдик. Етиб келдию, бутун винтлари бўшаб кетди. Бориб у ердаги ўртоқларга шикоят қилганимиздан сўнг шу ерга келиб яна қайтадан ремонт қилиб кетишди. Учта «ДТ-24» чопиқ тракторимизнинг моторн 10 ойдан буён йўқ. Эшитишимизга қараганда бошқа ёққа ремонт қилиш учун олиб кетилган эмиш. Қачон олиб келиниши номаълум.

— Сеялкалар ремонти-чи, — сўрадик.

— 22 та сеялкамиз бор. Ана шулар ёрдамида чигит экамиз. Сеялкаларни ремонт қилиш қониқарли десак бўлади.

— Бороналарчи?

— Деярлик тайёр бўлиб қолди.

Ўртоқ Омонқул Отақуловнинг гапига қараганда ҳамма иш қониқарли кетаётгандай туюлади. Биз ўртоқ Отақуловнинг берган маълумотлари билан устахонадаги ишларнинг бир-бирига қанчалик тўғри келишини кўриш мақсадида уни ишлаётганлар томон таклиф қилдик.

— Менинг ишим бор эди-да. Машина кутиб турибди. «Узсельхозтехника» район бўлимига боришим керак эди.

Устахонани айланишга Отақуловнинг оёғи тортмай қолди. Унинг бундай аҳволга тушиб қолишининг ҳам сабаби бор экан. Нега дейсизми? Ҳув, анави бурчакда турган учта чопиқ тракторини кўргани кўзи йўқ экан. Чунки агрегатнинг учта ғилдирагию. фақат рамаси қолибди, холос. Қолган ишчи органларидан номи-нишон тополмайсиз. Унинг ёнида ремонт ишлари билан шуғулланаётган бирон кишини учратмайсиз.

Нарироқда 5-6 механизатор хуноб бўлиб ўтиришибди. Улар «ДТ-24» чопиқ тракторини ремонт қилаётган механизаторлар экан. Гапни бири олиб, бири қўяди.

— Ишнинг шундай бўлишини билганимизда ремонтга қўл урмас эдим, — дейди норғул бир механизатор.

— Э, биродар, Омонқул Отақуловнинг гапини қайтариб дакки эшитишга кимнинг тоқати бор дейсан. Бўлар иш бўлди, қимирлаб туравермайсанми!

— Менга қара, — гапга аралашди учинчи механизатор, — «Узсельхозтехника» район бўлимининг рухсатисиз моторларни очиб ремонт қилиш мумкин эмас экан. Бу Омонқул акадан чиққан гап. Раис ҳам, партком ҳам бизнинг бу ишимиздан хабарсиз эмиш. Эндичи, мана шу моторларни йиғиб «Узсельхозтехника» район бўлимига олиб борар эмишмиз.

Сеялкалар қўйилган жойга бордик. Бу ерда икки киши ивирсиб юрибди. Маълум бўлишича, ҳали биронта ҳам сеялка ремонт қилинмабди. «Узсельхозтехника» район бўлимида ремонт қилиниши керак экан. Ҳали биронта ҳам сеялка у ерга олиб борилмабди. Ваҳоланки 12 та сеялканинг схемасини ўзгартириш керак эмиш.

Уртоқ Омонқул Отақулов «тайёр», деган зиг-заг бороналар балчиққа қоришиб ётибди. Колхоз устахонасини кўздан кечирган киши бу хўжаликда техниканинг қадрига етилмаётганлигига ишонч ҳосил қилади. 7 та «ХВС-1,2» агрегати даладан қандай олиб келиб қўйилган бўлса, шундайлигича турибди. Ғилдираклари балчиққа ботиб кетибди. Ишчи органлари занглаган ҳолда ётибди. Культиваторларнинг аҳволига ҳам вой!

Бу хўжаликда шудгорлаш бошқаларга нисбатан анча барвақт бошланган эди. Лекин пахта экиладиган ерларнинг ҳанузгача шудгор қилинмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Шуни айтиш керакки, ҳайдов тракторларининг ҳам қадрига етилмаяпти. Улардан унумли фойдаланилмаяпти. Фикримизнинг исботи учун бир мисол келтирайлик. Мол фермасининг ёнида битта «ДТ-54» трактори занглаб ётибди. У бу йилги ер ҳайдаш мавсумида фойдаланиш учун ремонт қилинган эди. Далага олиб чиқилди. Лекин агрегат бир механизаторга бириктиб қўйилмади. Уни ким бўлса юргизаверди. Натижада двигатели ишдан чиқди. Мана энди ўша ерда қолиб кетди. Ҳайдов-тракторларига хўжасизларча муносабатда бўлиш туфайли 13 та трактордан фақат 8-9 таси ишлаяпти, холос.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деган халқ мақоли бор. Ўртоқ Отақулов бугун ўз айбини ёпиш учун ёлғон гапираётган бўлса, эртага барибир ошкора бўлади. Деҳқончилик ваъда билан, ёлғон гапириш билан бўлмайди. Шунинг учун ҳам Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз раҳбарлари ўтган йилдагидек ерга қараб қолмайман десалар, ҳозирдан ишни пухта қилишлари керак.

**С. ШОКАРИМОВ.**

## ВАЗН УЧУН КУРАШАЁТГАНЛАР

**Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари бу йил давлатга 70 тонна гўшт сотишни планлаштирган эдилар. Улар январь ойининг ўзидаёқ давлатга 15 тонна гўшт сотишга муваффақ бўлдилар. Топширилган гўштнинг .8 тоннаси чўчқа гўшти эди. Колхоз чорвадорлари чўчқа гўшти қанчалик кўп етиштирилса колхозга ҳам, давлатга ҳам шунчалик кўп нафи тегишини яхши билишади. Шунинг учун ҳам колхоздаги 150 бош чўчқанинг ҳар бирининг ўртача вазнини 100 килограммга, ҳар бош қорамолнинг ўртача вазнини 280—300 килограммга етказиш учун курашилмоқда.**

**Бўрдоқига боқилаётган молларни қисқа муддат ичида семиртириш, соғлом ўстиришда жонкуяр молбоқарлардан Т. Улмасов, Т. Зокирова, Т. Абдураҳмонов, Т. Раҳимбердиев сингари чорвадорларнинг ҳиссаси катта.**

**Н. ЗУФАРОВ.**
**Калинин райони.**

## БУГУН „КЎКОРОЛ"ДА

Узоқларга кулиб қараб турган бу йигитга разм солинг-а! У ўз ишидан қанчалик мамнун ва шод. Бу Бўка районидаги «Кўкорол» совхози бульдозерчиси Иван Фесенкодир. Шу кунларда у бульдозери билан 200 метрлик канал қазияпти. Тошкент каналининг чап шохобчасидан сув оладиган бу канал 350—400 гектар пахта майдонини суғориш учун мўлжалланган. Янги каналга сув насослар ёрдамида чиқарилади.

М. Шевелев фотолари.

## САБЗАВОТЧИЛАР ТАРАДДУДИ

*Фрунзе номли колхоз аъзолари ўтган йилни давлатга пландагидан ташқари 268 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари сотиш билан якунлаган эдилар. Колхозчиларнинг бу йилги ҳаракат ва режалари янада юксак. Сабзавот, картошка экиладиган ерлар кенгайтирилиб 4 та ихтисослаштирилган бригада тузилди. Барча экин майдони шудгорлаб қўйилди. Ерни ҳайдашдан аввал унинг ҳар гектарига 400-450 килограммдан суперфосфат ҳамда етарли миқдорда гўнг солинди.*

*Шунингдек бу ерда далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ҳам яхши боряпти. Бунинг учун 5 та автомашина ажратилган эди. Шу кунгача 600 тоннадан зиёдроқ гўнг жамғарилди.*

*М. Бердалиев бошлиқ бригада аъзолари парникка 12 гектар майдонга етадиган карам уруғини сепган эдилар. Уруғ текис униб чиқди. Ниҳоллар агротехника талаблари асосида парваришланмоқда.*

*Колхозчилар бу йил ҳар гектар ердан 17,5 тонна сабзавот, 12-13 тонна картошка ва 20 тонна полиз маҳсулотлари олишга бел боғлаганлар. Мўл ҳосил етиштириш билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳрига яқин зонадаги колхоз ва совхозларда сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилмоқда.*

*А. РАҲИМБЕРДИЕВ*

*Юқори Чирчиқ колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси.*

## СЕМИЗ МОЛЛАР ҲИСОБИГА

Генерал Раҳимов номли колхоз чорвадорлари Краснодар ўлкаси Усть-лабинсклик ғаллакор ва чорвадорларнинг мактуби асосида ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Колхозда ўтган йили давлатга гўшт, тухум сотиш плани ортиғи билан бажарилган эди. Бу йил давлатга гўшт сотиш планини фақат бўрдоқига боқилган, алоҳида парвариш билан семиртирилган моллар ҳисобига бажариш кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда 150 бош қорамол 100 бош чўчқа бўрдоқига боқилаётир. Ҳар бош молга бир кунда 18 килограмм силос 2,5 килограмм кунжара, 7-10 килограммдан барди, лавлаги едирилади. Семиртирилаётган ҳар бош чўчқага бир кунда 5 килограмм майда картошка 2,5 килограммдан жўхори ёрмаси ва арпа. 4 килограмм беда уни берилаётир. Молларни вазни кунига 700-800 граммдан ошаяпти. Колхоз чорвадорлари ана шундай тадбирларни кўрганликлари туфайли давлатга январь ойининг ўзида 32 тонна-ю 600 килограмм гўшт сотдилар. Бу йиллик планнинг қарийб 50 процентини ташкил этади.

**М. МУХАМЕДОВ.**

# МАШИНА-ҲИСОБЛАШ СТАНЦИЯСИ

Республикамиздаги, жумладан Тошкент областидаги колхоз ва совхозларда ҳисоб ишларини механизациялаш учун ҳамма шароит бор.

1961 йилда Янгийўл районида яхшигина тажриба машина-ҳисоблаш станцияси ташкил қилинди. Бу станциянинг вазифаси Тошкент областидаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишдан иборатдир.

Машина-ҳисоблаш станцияси (МХС) эндиликда мустақил хўжалик ҳисоби асосида ишлашга кўчди.

МХС шу райондаги барча корхона ва ташкилотлардан заказлар қабул қилмоқда. Бу яхши, лекин, шу чоққача биронта ҳам колхоз ва совхоз механизмлар билан ҳисоблашга тортилгани йўқ. Улар ўз ҳисоб-китоб ишларини ҳали ҳам ибтидоий қўлаки ҳисоблаш техникаси ёрдамида олиб бормоқдалар. Янгийўл район МХСи жуда қулай жойда — Янгийўл шаҳрининг марказида жойлашган. Шу атрофдаги кўпгина колхоз ва совхозлар билан алоқа боғлаш учун имкониятлар кўп. Масалан, Ўртаовул қишлоқ Советидаги «Ленинизм», «Коммунизм», Свердлов номли колхозлар, 2-мева-сабзавотчилик совхози ва бошқа хўжаликлар ана шулар жумласидандир. Биринчи навбатда лоақал ана шу колхоз ва совхозлар ўз ҳужжатларини ҳисоблаб бериш учун МХСга олиб келиб топширсалар ўзлари учун жуда қулай бўлур эди. Ҳа, бу ишга дарҳол киришиш керак. Бунинг учун бевосита МХС нинг ўзидан ҳамда ана шу колхоз ва совхозларнинг бош бухгалтерларидан ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатиш талаб этилади. Колхоз ва совхозларда механизмлар ёрдамида ҳисоблашни жорий қилиш соҳасидаги ишларнинг ҳаммасига аввало Марказий Статистика бошқармасининг «Узбекмашучет» бўлими ҳамда Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлик қилиши керак.

Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ходимларни ҳисоб ишларини механизациялаш билан таништириш, ҳисоб машиналаридан муваффақиятли фойдаланаётган илғор МХСлар тажрибасини ўргатиш зарур.

Мамлакатимизда ўз ҳисоб ишларининг баъзи турларини механизациялаштирган кўпгина районлар бор. Бу хўжаликларда дастлабки ҳужжатларни ишлаш ҳамда меҳнатни ҳисобга олиш бўйича барча зарур ҳужжат ва маълумотларни тузиш механизациялаштирилган.

Кустовой машина - ҳисоблаш станциялари хўжалик ҳисобида ишловчи мустақил муассасалардир. Улар шартнома асосида бир неча корхонага хизмат кўрсатади ва бажарилган ишлар учун тўланадиган маблағлар ҳисобига таъминланади.

Мамлакатимиздаги кўпгина қишлоқ районларида кустовой МХСларни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд. Жумладан Янгийўл МХСи яқин келажакда кустовой район машина-ҳисоблаш станцияси бўлиб қолиши керак. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида асосан кичик ҳажмдаги МХСлар ташкил қилинмоқда: улар 2—3 комплект ҳисоблаш-перфорацион машиналардан ҳамда зарурий ҳисобловчи ва жамловчи машиналардан иборатдир.

Ҳисоблашнинг қўлаки усулидан механизациялаштирилган усулига кўчиш билан ҳисоб-китоб процесслари ва уларни бажариш усуллари анча ўзгаради. Ҳисоблаш операциялари комплексини механизациялашда, одатда ҳужжатларни ишлашнинг махсус технологиясини ишлаб чиқишга тўғри келади. Ҳисоблашни механизациялаш билан бирга кўпинча дастлабки ҳужжатлар ҳамда ҳисобот маълумотларининг формалари ҳам ўзгартирилади.

Ана шу ўзгаришларнинг ҳаммасини амалга оширишда машиналарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Ҳисоблаш дастлабки ҳужжатларни тузишдан бошланади. Дастлабки ҳужжатларда ҳисобга олинаётган объектнинг миқдорий ва сифат характеристикаси берилади.

Дастлабки ҳужжатлар ҳисоблаш ишловидан ўтади (таксировка, якунларни ҳисоблаб чиқариш). Ана шу ҳужжатлар асосида синтетик ва аналитик ҳисоблашнинг системали регистрлари тузилади. Колхоз ва совхозларда барча ҳисоблаш операцияларини бажариш учун ҳисобловчи ва жамловчи машиналардан фойдаланиш, эскириб кетган техника воситаларини (идора счетлари ва арфометрларни) электр билан ишлайдиган янги хил клавишли машиналарга алмаштириш осон ва қулайдир.

Меҳнатни ҳисобга олиш ёки бошқа хил ҳисобот ишлари юзасидан дастлабки ҳужжатлар МХС га шифрланган ва пачкалаб упаковка қилинган ҳолда келиб тушади. Ҳужжатларни упаковка қилишдан олдин турларига ва ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригадалар, фермалар, устахоналар, бўлимлар, омборлар ва ҳоказолар)га қараб тахлаб чиқилади, сўнгра тартиб номери бўйича жойлаштирилади. Упаковка қилинган ҳар бир пачкага маълум форма асосида тўлдирилган ярликлар қўшилади ва МХСга тилхат билан топширилади. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аниқлиги ва формалар тўғри тўлдирилганлиги, шифировканинг тўғрилиги текшириб чиқилади. Шундан кейин ҳужжатларни механик равишда ишлашга киришилади. Дастлаб уларни ҳисоблаш машиналарида таксировка қилинади, сўнгра жамловчи машиналарда уларнинг якуни жамланади. Сўнгра, уларнинг бир қисми СР-22 типидаги бухгалтерия ҳисоблаш — жадваллаш машиналарига ёки ҳисоблаш — фактура машиналарига тушади. Қолган қисми эса шифировка қилинган ҳолда ҳисоблаш-перфорацион машиналарга ўтади. Ҳисоблаш-перфорацион машиналарнинг иши қуйидаги қатъий технология асосида боради: 1) перфорация, 2) перфорацияни контроль қилиш, 3) перфокарталарни саралаш, 4) табуляция, 5) тугалланган ҳисобларни контроль қилиш ва расмийлаштириб заказчи — колхоз ва совхозларга топшириш. Тайёрлаш ҳисоботлар билан бирга дастлабки ҳужжатлар ҳам тилхат асосида қайтариб берилади.

Кустовой МХСлар заказчилар билан ўзаро алоқаларини хўжалик шартномалар асосида расмийлаштирадилар. Шартномада МХСга ҳужжатлар топширилгани ва бажарилган ишларнинг МХСдан олингани тўғрисидаги белгилар ёзиладиган графалар бўлиши керак. Иккала томон қўл қўйган ана шу ҳужжатлар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Махсус графикда МХСнинг ҳамда ҳужжатларни топширувчи заказчиларнинг ўзаро мажбуриятлари кўрсатилган бўлади.

Ҳисоб-китоб ишларини механизациялаш натижасида ана шу ишларнинг сифати ошади. Ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш ҳисобчи кадрлар меҳнат унумининг ошувига олиб келади. Ҳисоблаш ишлари учун вақт сарфлаш кескин камаяди. Масалан, меҳнатни ҳисобга олиш механизациялаштирилган колхозларда далачилик бригадаларида махсус ҳисобчи талаб қилинмайди.

Шундай қилиб кустовой район машина-ҳисоблаш станциялари ҳисоб-китоб ишларини механизациялашнинг прогрессив формаси бўлиб, у бажариладиган ишлар таннархини камайтириш, шунингдек ўз машина-ҳисоблаш установкаларига эга бўлмаган корхона ва ташкилотларни кўпроқ жалб қилиш ҳисобига халқ хўжалигига катта фойда келтириши ҳамда қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини юқори даражага кўтариши мумкин.

**Т. Г. МАЙОРОВА,**
**Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги Тошкент институти математика ва ҳисоблаш техникаси кафедрасининг старший ўқитувчиси.**

Тошкентликлар Бердах номидаги қорақалпоқ Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамбли бераётган концертларни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Фотомухбирларимиз В. Салов билан А. Абалян ансамблнинг бир группа санъаткорларини навбатдаги концертдан кейин суратга олди.

# ҚУДРАТЛИ ЧИНОР ҚЎШИҒИ

Иброҳим ЮСУПОВ.

**БИЗЛАР РУС ЕРИ УЧУН ЖОН ФИДО ҚИЛАМИЗ.**

(Қорақалпоқ қасами. XII асрдаги Ипатьев йилномасидан).

I

Қанча чуқур илдиз отса чўнг чинор,
Шунча қуюқ соя ташлар...
Бир эман,
Уғар қадим Днепрда пурвиқор,
Шу эманга уя қурган қирғийман.
Шу уядан қанот қоқиб учганман,
Қанча довул, ур-сур кўрдим йўлимда.
Буюк эман асраб мени душмандан,
Яша, умр кўр! дегани дилимда.
Кекса Киев зар қуббали қопқосин
Қора қуюн ноғоҳ келиб босган чоғ,
Ботир князь йиғиб шонли бир қўшин,
Бурчимиздир деган юртни сақламоқ.
Лаббай деган шунда менинг бобом ҳам,
Ватан учун тайёр тутган ўзини.
Сафга ўтиб, қурол тутиб мустаҳкам,
Тинглагандир Святослав сўзини.
Қандай қилиб ётсин ука уйида
Номин айтиб чақирганда акаси!
Ер титратиб Дон, Днепр бўйида,
Евга қарши от қўйгандир иккиси.
Шарт суғириб қиндан пўлат шамширин,
Евга қирон келтирганда мардона,
«Офарин!» деб оға сиққан чўнг қўлин,
Кўзларида меҳр ёниб дўстона!
Юр, китобхон, юр, овулга борайлик,
Унда қанча жонли гувоҳ — бахши бор!
Тарихимиз айт ота, деб сўрайлик,
Йўқ демайди,
Айтиб берар миннатдор.
Тўққиз аср тарихини варақлаб,
Айтиб берар дўстлигимиз бошини.
Эдил, Ёйиқ бўйларини ёқалаб,
Кўрсатар «рус ўрмонин» ич-тошини!
Эски китоб бетлариден бирма-бир
Кекса бахши хотираси очилар.
Сароб каби минг жимирлаб, узоқ қир —
Этагида ёнган ўтдек сочилар.
Русга кимман? — билмоқ бўлса муддао.
Рус тарихин йилномасин очиб боқ:
Унда деган «рус ерига жон фидо!»
Буни айтган қорақалпоқ ўша чоқ.
Рус тупроғи десам қалбда зўр виқор;
Рус тупроғи бахтим болққан ер дейман,
... Днепрда жуда кекса эман бор,
Шу эманда уя қурган қирғийман!

II

Қанча чуқур илдиз отса чўнг чинор,
Шунча маҳкам, шунча довул қилмас кор.
Шу чинордан назар солсанг оламга
На юрагинг увишару, на хавф бор!
Болта чархлаб неча марта хурофот
Кесолмаган унинг бирор илдизин.
Хону подшо қаршисига қўйиб от,
Қумирсқадек ожиз сезган кўп ўзин!
Чинор эса порлаб йўлчи юлдуздай,
Йўл кўрсатган карвонларга беармон.
Бобомни ҳам ўнгу сўлга юргизмай,
Элтган тўғри Петербургга соғ-омон.
Халқни бошлаб жанг қилганда шиддаткор
Юртдан тунни қувмоқ бўлиб Эрназар,
Хумор кўзин юмар экан сўнгги бор
Шу чинорга ташлагандир у назар!
Шу чинордир ўз бағрига чақирган
Зўр Оролдан турган умид шамолин,
Шевченконинг қўбизига руҳ берган
Ва етказган халққа қайғу армонин.
Тажовузкор лордга эшик очиб хон,
Қонли панжа тутганида халқимин,
Шу чинордир паноҳида соғ-омон
Олиб қолган шу бечора халқимни.
Фақирларга паноҳ бўлган у ўзи,
Мадад кутиб эл-юрт тикнан кўзларин.
Шу чинордан илк бошланган йўл изи
Олиб келди бахт тонгига бизларни.

III

Қанча чуқур илдиз отса ҳар чинор,
Шунча маҳкам,
Шунча қуюқ сояси.
О, қудратли чинор, бўлиб миннатдор,
Салом йўллар сенга дўстлар ўлкаси!
Япроқларинг «Кел! Кел!» дейди ел ўйнаб,
Ҳар япроғинг қардошликдан бир варақ.
Қучоғингда қушлар сайраб ва яйраб,
Мудҳиш жимлик қочар бундан тум-тарақ.
Чор атрофинг энди тақир чўл эмас,
Елғиз-ярим эмас энди йўлчинг ҳам.
Ҳар япроғинг булутдан сув тиламас,
Энди ўзинг ел пуркайсан мустаҳкам.
Ёвуз ният чўза олмас сенга қўл,
Ус, чинорим!
Камол топсанг ҳақлисан!
Қайга борсам кўрсатурсан ўзинг йўл,
Қуёш бўлиб йўлларимда балқийсан.
Шонли манзил йўлларида дўст, ҳамдам,
Қорақалпоқ миллатиман миннатдор.
Агар бирор чивиғингни синдирсам,
Кўзларимни зоғ чўқисин, эй, чинор!

ШУҲРАТ таржимаси.

Қорақалпоқ ашула ва рақс ансамблида талантли санъаткорлар кўп. Шулардан бири — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артистка Ўрозгул Оллоберганова ўзининг ажойиб қўшиқ ва лапарлари, дилларни мафтун этувчи рақслари билан санъат ишқибозларини хурсанд қилмоқда. Суратда: Ўрозгул Оллоберганова.

А. Абалян фотоси.

# ОКЕАН ОСТИДАГИ ФОЖИА

1961 йилнинг баҳорида Ғарбий Европа газеталарида шундай ваҳимадор сарлавҳалар пайдо бўлди: «Шўнғиш бўйича жаҳон рекорди!», «Ханнес Келлер 222 метр чуқурликка тушди!», «Бу натижадан ким ўза олади?».

Кўп ўтмай матбуот конференциясида сўзлаган швейцариялик математик, сув ости спортчиси Ханнес Келлер журналистларга ўз муваффақияти ҳақида гапириб берди. Жанубий Швейцариядаги Машора кўлида у одатдаги акваланг билан 222 метр чуқурликка тушди. Ер шарида ҳали ҳеч ким елкасида акваланг билан бундай чуқурликдаги сув остига чўкмаган эди.

Швейцар спортчиси бундай катта муваффақиятга қандай қилиб эришганлигини яхшироқ тушиниш учун сувостига тушишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Одам денгиз остига тушаётганда катта босим унга тўсқинлик қилади. Лекин шунга қарамай махсус тайёрланган катта жиҳозларни киймасдан ҳам жуда чуқурликка тушиш мумкин экан. Бунинг учун кессон касаллиги деб аталган ҳавфдан қутилиш йўлини топиш лозим.

Келлер аквалангларни зарядлаш учун ўзи тайёрлаган махсус газ қоришмасини қўллади. Бу қоришма, ихтирочининг фикрича, кессон касаллигидан сақлайди. Бундан ташқари у ғаввос жомини ҳам ишлади. Бу жомда катта чуқурликка тушиш мумкин. Келлер газ қоришмасининг составини маълум қилишдан бош тортди. Чунки у тажрибасиз аквалангчилар учун ўлим хавфи туғдириши мумкин эди.

Келлер журналистларнинг саволларига жавоб бериб, Калифорния қирғоғи яқинида 300 метр чуқурликка шўнғишга тайёрланаётганлигини ҳам айтди.

Бир йилдан сал ўтгач, Келлернинг номи яна жаҳон матбуотининг эътиборини ўзига жалб қилди.

...Поёнсиз ва сокин Тинч океан. Унинг сувларини чайқатиб сув остига шўнғиш учун мўлжалланган жойга қараб «Эврика» экспедиция кемаси кетмоқда. Унинг кетидан «Либерти» пароходи бораётир. Пароход бортига газета ва журналларнинг мухбирлари, кино операторлар, фоторепортёрлар чиқиб олишган.

Ханнес Келлер хотиржам ўтирибди. У 300 метр чуқурликка тушиб рекорд қўйишга тайёр. У билан бирга жомда 35 ёшлик лондонлик журналист Петер Смалл ҳам тушмоқчи. Бу журналист экспедицияда қатнашиб, кейин бу ажойиб тажриба ҳақида китоб ёзишга қарор қилган.

Кемалар тўхтайди. Келлер ва Смалл гидрокостюмлар, махсус қоришма билан зарядланган аквалангларни киядилар, дўстлари билан хайрлашиб жомга тушиб оладилар. Чиғир мотори чинқириб юборди, тросс таранг тортилди. Бир зум ўтмай жом ҳам океан қаърида йўқ бўлиб кетди. Телефон орқали, ҳаммаси жойида, сув остига тинч ботяпмиз деган хабарлар кела бошлади. Мана, белгиланган нуқтага ҳам тушилди. Жом океан тубида. У 300 метр чуқурга етиб борди.

Вақт секин ўтарди... Секундлар йилдай бўлиб туюларди. Петер Смалл хотинининг ҳаяжонланганини сезилиб турибди. У бу экспедицияда эрига ҳамроҳ бўлиб келган эди.

Шу пайт тўсатдан динамикда чинқириқ овози эшитилди, қулоқ-миянни битириб юборган бу овоздан ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Аквалангчилар «Эврика»дан туриб кетма-кет берилаётган саволларга жавоб беришмасди. Бир фалокат юз берганга ўхшарди. Лекин уни ҳеч ким билмасди.

Механиқ электр чиғириғининг кнопкасини босади. Тросс жуда секин барабанга ўрала бошлайди. Чиғириқни энг катта тезликка қўйиш керакмикин? Бундай қилиш мумкин эмас, акс ҳолда босимнинг кескин ўзгариши натижасида тадқиқотчиларнинг қони «қайнаб» кетиб, улар ҳалок бўлиши мумкин.

Жом 70 метр чуқурликда. Сув юзасига пуфакчалар қайнаб чиқабошлайди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди. Демак, жомдан ҳаво чиқаётган экан-да! Келлер ёрдамчиларидан бири 22 ёшли студент Крис Виттакер ўз дўсти Андерсен билан бирга аквалангларни кийиб сув остига тушишади. Қоронғуликда жомнинг ғира-шира тасвири пайдо бўлди. Аквалангчилар унга яқинлашишди. Чиқаверишдаги люкда кимнингдир курак оёғи ликилларди. Ҳосил бўлган ёруғдан газ қоришмаси чиқарди. Виттакер пичоқ билан курак оёқни қирқди. Ёруғ бекилди. Андерсен қалқиб чиқабошлади. У шўнғиб чиққанда Виттакер ёнида йўқ эди. Уни ахтара кетишди. Лекин топиб бўлмади. Виттакер абадий океан остида қолиб кетди...

Ниҳоят сув юзасида жом пайдо бўлди. Люкни очишган эди унда Келлер кўринди. Унинг бўздек оқариб кетган юзидан ўлгудек чарчаганлиги кўриниб турарди. У ҳамроҳи Петер Смаллни туртарди, лекин у қимир этмасди. Кислород аппарати ҳам беҳуда тайёрланибди.

Хўш, океан қаърида нима ҳодиса юз берган экан?

...Жом 300 метрлик чуқурга етганда Келлер люкни очиб чуқурликка Швейцария ва Америка байроқларини қадайди. Аквалангдаги газ қоришмаси тугайди. Келлер жомга қийналиб кириб олди. У қалтироқ қўллари билан газ баллонларининг винтелини очди. Очганда ҳам керагидан кўп очиб юборибди. Спортчилар хушидан кетишди.

Биринчи бўлиб Келлер ўзига келди. Смалл қимирламай ётарди. Келлер унинг устидан гидрокостюмини ечди. Уни хушига келтиришга уриниб кўрди. Икки соатдан сўнг Петер кўзини очди. Бироқ яна тезда кўзини юмди. «Ухлаётган бўлса керак», деган қарорга келди Келлер. Ҳаракат қилишга ҳам, бирон нарсани ушлашга ҳам мадор йўқ эди. Жомни аста юқорига кўтаришди.

Буларнинг ҳаммаси ҳақида журналистларга Келлернинг ўзи ва автоматик кинокамера суратга олган кадрлар ҳикоя қилиб берди.

Бунга яна нимани қўшиш мумкин?

Экспедиция фақат спорт мақсадидагина, яъни чуқурликка тушиш бўйича жаҳон рекорди қўйиш учунгина қилинмаган эди. Бу экспедиция енгил ғаввос кийимида жуда чуқурликда ишлаш мумкинлигини исботлаши керак эди. Келлер экспедициясига АҚШ Ҳарбий-Денгиз флоти беҳисоб пуллар билан ёрдам берганлиги ҳам шундан далолат бериб турибди.

АСЛЕЗОВ,
КОРНЕЙЧУК.

## БИЛДИРИШ

**Шу йил 9 февраль кундуз соат 3 да Журналистлар кабинетида (Навоий кўчаси, 30, 2-қават) газета-журнал графикаси бўйича рассом-журналист Борис Жуков ижодига бағишланган кўргазма очилади. Қизиққан ўртоқларнинг қатнашишлари мумкин.**

**ОРГКОМИТЕТ.**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

# ЗАМОНДОШИМИЗ — АСОСИЙ ҚАҲРАМОН

Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги

Тошкент китобхонлари шу кунларда ўзларига яхши таниш, яқин дўстларини кўргандек бўлдилар. Уларнинг кўз олдида Қорақалпоғистон ёзувчиларининг асарларида тасвирланган пахтакор, чўпон, балиқчи, геолог намоён бўлди... Автоном республиканинг адиблари қардош халқлар маданияти байрамига олиб келган романлар, поэмалар, очерклар Қорақалпоғистон ўғил ва қизларининг шонли ишларини, халқлар дўстлигини ҳикоя қилади.

6 февралда Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйи одамлар билан лиқ тўла эди. Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон пойтахти ёзувчилари билан бирга ишчилар, колхозчилар, студентлар, олимлар ҳам ҳафталикнинг адабиёт қисми очилиши маросимида қатнашиш учун бу ерга келдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом кечани очиб, партия ва ҳукумат раҳбарларининг яқинда ижодкор интеллигенция намояндалари билан ўтказган суҳбат ва учрашувлари ёзувчилар, рассомлар, артистлар, музикачиларда, бутун совет халқида кучли таассурот қолдирганлиги тўғрисида гапиради.

Қорақалпоғистон Ёзувчилари союзи правлениесининг секретари Аденбой Тожимуротов ўз нутқини Автоном республика адибларининг фаолиятига бағишлади. У айтдики, қорақалпоқлар бундан қирқ йил муқаддам ўз ёзувига эга эмас эдилар, ҳозирги вақтда эса улар жаҳон адабиёти асарларини ўз она тилларида ўқимоқдалар, улар Совет Иттифоқидаги барча халқлар адабиёти хазинасидан баҳраманд бўлдилар. Рус, ўзбек, қозоқ ва бошқа қардош халқлар маданиятларининг буюк тажрибаси қорақалпоқ халқи адабиёти ва санъатининг шаклланиши ҳамда равнақ топишига ёрдам берди.

Ўтган йилнинг бир ўзидагина Қорақалпоғистон ёзувчиларининг уч романи, олти повести, неча ўнлаб шеър, ҳикоя ва очерклар тўпламлари китобхонларга тақдим этилди. Т. Каипбергеновнинг «Қорақалпоқ қизи» романи, А. Алиевнинг «Кутилган кун», А. Бекимбетовнинг «Оғир қисматни енгувчилар», Қ. Султоновнинг «Оқдарё» повестлари, халқ оқинлари А. Мусаев ва С. Нурумбетовларнинг асарлари, М. Сеитниёзов, А. Алиев, Н. Жуманиёзов, Т. Жумамуротовларнинг шеър тўпламлари, Н. Ешматов, Р. Ешимбетов, Ж. Оймирзаевларнинг пьесалари ва турли авлодларга мансуб адибларнинг бошқа асарлари катта муваффақият қозонди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси филиали тил ва адабиёт тарихи институти қорақалпоқ адабиёти ва халқ ижоди тажрибаларини умумлаштириш соҳасида кўп иш қилди. Қорақалпоғистон ёзувчиларининг энг яхши асарлари рус, ўзбек тилларига ва бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этилди.

Нотиқ Қорақалпоғистон адиблари доим халқ орасида бўлиб, ўз асарларининг ғоявий ва бадиий савиясини оширишга эришаётганликлари тўғрисида сўзлаб берди.

— Биз, — деди А. Тожимуротов, — бу учрашув қорақалпоқ адабиётини янада ривожлантиришга ёрдам беришига аминмиз.

Бу кеча ўзига хос «мушоира» — шоирлар маҳоратига кўрик бўлди.

Қорақалпоғистон халқ оқини Содиқ Нурумбетов халқ бахт-саодати тўғрисида миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган дилкаш шеърларида жонажон Коммунистик партияни улуғлайди. Ўзбек шоири Ғафур Ғулом шоирнинг буюк вазифаларига бағишланган шеърларини ўқиб беради.

Кеча қатнашчилари шоирлардан Хўжабек Сеитов, Бобош Исмоилов, Иброҳим Юсупов, Генжимурот Есимуротов ва бошқа шоирларнинг чиқишларини самимий кутиб олдилар.

Қорақалпоғистон ёзувчилари, шоирларининг асарлари ўзбек тилида ҳам жаранглади. Шоирлардан Туроб Тўла, Мамарасул Бобоев, Шуҳрат қорақалпоқ шоирларининг ўзлари таржима қилган шеърларини ўқиб бердилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар атоқли рус ёзувчиси Сергей Бородиннинг нутқини зўр иштиёқ билан тингладилар. Сергей Бородин мамлакатимизда миллий адабиётларнинг бир-бирини бойитиши тўғрисидаги фикрларини баён қилди.

Адабиётчилар уйи фойесида қорақалпоқ ёзувчиларининг китоблари виставкаси очилди.

Кечанинг охирида Қорақалпоғистон АССР санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

(ЎзТАГ).

# ҚОРАҚАЛПОҚ САНЪАТКОРЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУЗУРИДА

*Шу кунларда шаҳримиздаги театр саҳналарида, концерт залларида, саноат корхоналарида, олий ўқув юртларида жўшқин Амударё соҳилларидан келган азиз меҳмонларимиз-қорақалпоғистонлик созанда ва хонандалар ижросида оҳанграбо музикалар, қувноқ қўшиқлар янграмоқда.*

*6 февраль куни «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг қизил бурчагида Бердах номидаги қорақалпоқ Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг бир группаси пойтахт журналистларининг меҳмони бўлишди ва қисқа-лекин мазмунли концерт беришди. Концертни ансамблнинг солисти, хушовоз қўшиқчи Бозорбой Нодиров «Руслар урушни хоҳлайдиларми» қўшиғи билан бошлаб берди.*

*Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артистка Зулайхо Сафарова «Нозли» миллий рақсини нозик ва жозибали ижро этаркан томошабинлар унң илиқ дўстлик меҳри билан олқишладилар.*

*Қалбларни қитиқловчи куй янграйди. Бу куйга ансамблнинг солисти Гулпарчин Сиримбетова жўр бўлиб, «Дарёсан» ва «Суйганим-суйган» лирик қўшиқларини зўр кўтаринкилик билан куйлади.*

*Ансамблнинг концерт номерларида қардош халқлар ашула ва рақсларига ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, Зеэа Ўринбоева билан Умрзоқ Есимовлар ижросидаги эстонча «Полка», раққоса қизлар бажарган қирғизча «Кимга айтай» рақслари ўзининг қувноқлиги ва ижросининг дилдорлиги билан ҳамманинг эътиборини жалб этди.*

*Концертда Мамбетназар Ниёзимбетов тор билан ўзбекча «Ҳилол эмасму», хоразмча «Эй маҳваши жоним» қўшиқларини ёқимли ижро этиб, журналистларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек ансамблнинг бир группа раққоса қизлари ижро этган қорақалпоқча «Олтин қўллар» лапари ҳамда солистка Йда Рафиқова айтиб берган «Мафтунингман» кинофильмидан «Тошкент ҳақида қўшиқ» ва қирғизча «Яйловда» ашулалари ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди.*

*Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Л. Е. Петросова раҳбарлик қилаётган бу ансамблнинг ташкил топганига эндигина 6 йил бўлди. Шу ўтган қисқа давр ичида ўз репертуарини қорақалпоқ халқининг жозибадор қўшиқ ва лапарлари, қувноқ ва таъсирли рақслари билан бойитаолган ансамбль санъаткорларига пойтахтимизда ўтаётган ҳафталикларида ҳамда ижодий юксакликка эришишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.*

*А. ЮСУПОВ.*

# БОСҚИЧЛИ ГРАФИК АСОСИДА

*МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ*

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилди:**

1. Тошкент шаҳар аҳолиси ҳамда шаҳар транспорти учун катта қулайликлар туғдириш мақсадида 1963 йил 11 февралдан қуйидаги босқичли график асосида иш бошлаш жорий қилинсин:

эрталаб соат 7 дан 8 гача — барча саноат, транспорт ва ишлаб чиқариш корхоналарида (заводлар, фабрикалар, қурилиш ва транспорт базаларида, складлар ва бошқаларда);

эрталаб соат 8 30 минутдан соат 9 гача — олий ва ўрта махсус ўқув юртларида;

эрталаб соат 9 30 минутдан — илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларида;

эрталаб соат 10 дан — Иттифоқ, республика, область, шаҳар ва район аҳамиятидаги давлат ва жамоат муассасалари ҳамда ташкилотларда;

2. Шаҳар халқ маорифи бўлими (ўртоқ Додашев), шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими (ўртоқ Жалилов)га болалар боғчалари ва яслилари ишини қайта кўриб чиқиб, уларда, лозим бўлган тақдирда, болалар 12 соат бўладиган группалар тузиш вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар молия бўлими (ўртоқ Назиров)га қўшимча 12 соатли группалар учун маблағ ажратиш вазифаси топширилсин.

4. Савдо бошқармаси (ўртоқ Ортиқхўжаев), шаҳар халқ маорифи бўлими (ўртоқ Додашев), шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими (ўртоқ Жалилов), маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси (ўртоқ Анишчук), Гостбантрест (ўртоқ Носиров), маданият бошқармаси (ўртоқ Донская), умумий овқатланиш бошқармаси (ўртоқ Сутягина)га 1963 йил 11 февралдан бошлаб маориф, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, коммунал-маиший корхоналар ишини ушбу қарорда тасдиқланган Тошкент шаҳридаги корхоналар ва ташкилотлар, болалар, даволаниш ва ўқув муассасаларида иш бошлаш тўғрисидаги босқичли графикка мувофиқ нормал ишлашини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

**Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси**

**Р. НИШОНОВ.**

**Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари вазифасини бажарувчи**

**М. ҲАМРОЕВ.**

1963 йил, 6 февраль.

# „СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ" ТРЕСТИ

СССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги Тошкентда «Средазэлектросетьстрой» трестини ташкил қилди. Янги қурилиш ташкилоти Ўрта Осиё республикаларидаги юқори вольтли линияларни қурувчиларни ўзига бирлаштирди. Республикалараро трест олдида қандай вазифалар турибди?

— Коллективимиз Ўрта Осиё ягона энергетика системасини қуриш юзасидан жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариши керак, — дейди трест бошқарувчисининг ўринбосари Ф. М. Зексер. — Етти йилликнинг бешинчи йилидагина тўрт республика территориясида минг километрдан ортиқ юқори вольтли электр узатиш линияси қуриш кўзда тутилади. Бу эса ўтган йилдагидан икки баравар кўпдир. Бу линияларни қурмоқ учун хўжалик ҳисобида иш кўрадиган механизациялашган колонналар тузилди. Трест ўз саноат базасига ҳам эга бўлди — ишлаб чиқариш корхоналарининг комбинати ташкил қилинди. Комбинат металл конструкциялар, йиғма темир бетон тайёрлайди, механизмлар ва машиналарни ремонт қилади.

Трест яқин вақт ичида юқори вольтли линияларини қуриши керак. Норак, Тўхтагул, Чорвоқ ГЭСларидан, қудратли тепловой электростанциялардан энергия шу линиялар орқали боради. Дўстлик электр симлари Ўрта Осиёдаги барча республикаларни ягона энергетика системасига бирлаштиради. (ЎзТАГ).

## ТЕЛЕВИЗОР ● ТЕАТР ● КИНО ● КОНЦЕРТ ● ЭЪЛОН

## ЭКРАНЛАРДА

**8 ФЕВРАЛДА**

Ўзбек тилида: 18.00 — **Ғафур Ғулом** (болалар учун «Севимли шоирлар» циклидан). 18.35 — **Телевизион янгиликлар,** 18.50 — **Хоразмнинг илғор пахтакорларига тенглашайлик** (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми олдидан). 19.20 — **Хат** (қозоқ ёзувчиси А. Лекеров ҳикояси асосида телеинсценировка).

Рус тилида. 19.50 — **Телевизион янгиликлар,** 20.05 — **Граждан ҳаво флоти куни,** 20.15 **Халқаро масалалар** (комментатор суҳбати), 20.30 — **Оғир жазо** номли бадиий фильм, 22.10 — **Қирғизистон куйлайди** (фильм-концерт).

22.50 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

●

**Ғарбга йўл** — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

**Кўк ўқ** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Янгидан бошланган ҳаёт** — «ИСКРА» (кеч соат 7-20 минутдан). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Биринчи аср кишиси** — «ИСКРА» (кеч соат 6-45 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

**Георгий Саакадзе** (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 2 ярим, кеч 6 ярим ва 10-20 минутда).

**Павлуха** — «ВАТАН», «ВОСТОК» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

## САҲНАЛАРДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/II да **Севилья сартароши,** 9/II да **Кашмир қиссаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/II да **Тобутдан товуш.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Иван Рубан** қўл остида **«Йиртқич ҳайвонлар» аттракциони** ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Оскал-Оол** раҳбарлигида **Тува артистлари труппасининг гастроли.** Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**

**8 февралда**

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати

**ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА**

## КОНЦЕРТИ

Программада: жаҳон халқларининг рақслари

Концертда қатнашадилар. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Асад Азимов, Авнер Бараев, И. И. Фоменко,** солистлардан **Ф. Харротов** (чанг), **С. Тахалов** (рубоб), **Х. Жалилов** (най), **К. Комилов** (ғижжак).

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

□ □ □

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**

**10 февраль** кеч соат 7 яримда

## *катта концерт*

СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева,** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Ғулом Абдураҳмонов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Қундуз Миркаримова,** Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Раъно Низомова,** солистлардан **Алижон Ҳасанов, Тошпемир Шарипов** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

**10 февраль** кундуз соат 1 яримда биринчи ўзбек драматурги ва композитори

**ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ ҲАҚИДА**

## концерт-лекция

СССР халқ артисти **Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артисти **Насим Ҳошимов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Клара Юсупова, Михаил Давидов, Коммуна Исмоилова** ва Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного и сельского областных Советов депутатов трудящихся.*

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

**РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33786. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142.**

*«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.*

Р. 06182. ИНДЕКС 64695 А.—1525.